O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Da'vat**

Инсоннинг вазифаси оқилона фаолиятдир.

АРАСТУ

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган    2000 йил 16 февраль, чоршанба    Баҳоси сотувда эркин нархда    № 14 (7210)

**Ibrat**

"Соғлом авлод йили" муносабати билан Арнасой тумани халқ таълими бўлими маорифчилари тўрт ёшлилар синфини ташкил этишди. Боғча тарбияланувчилари орасидан танлаб олинган жажжи ўқувчилар барча ўргатилаётган билимларни муваффақиятли ўзлаштиришмоқда.

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1999 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2000 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

***11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.***

***Давлатимиз раҳбари эришилган бир талай ютуқлар қаторида 1999 йилда мўлжалланган тўлиқ амалга оширилмай қолган ишлар хусусида ҳам батафсил тўхталди. Шу боис, Ислом Каримов ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари бўйича маҳаллий хом ашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилгача мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш таклифини билдирди.***

***Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, республика Бош прокурори У.Худойқулов мажлисда ахборот берди.***

***Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.***

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимизнинг 1999 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, иқтисодиётни ислоҳ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳақида гап кетар экан, аввало, бир нарсани мамнуният билан таъкидламоқчиман: ўтган йили ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишлари бўйича кўзда тутилган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосан бажарилди.

Хўш, бир йил мобайнида айнан нималарга эришдик?

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш таъминланди. Молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлашга эришилди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ортди. Мўлжалланган кўрсаткичлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатда — 106,1 фоизни, қишлоқ хўжалигида — 105,9 фоизни, чакана товар айланиши эса 110,5 фоизни ташкил этди.

Давлат бюджетининг камомади 1,8 фоиз бўлди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Нақд пул эмиссияси 10,2 фоизга тенг бўлди.

Банк тизимининг умумий активлари 48 фоизга ортди. Жами активларнинг 57 фоизи узоқ ва ўрта муддатли кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро тўлов механизми анча мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш имконини берди.

Республика корхона ва ташкилотларининг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари миқдори йил давомида 76 миллиард 800 миллион сўмдан 1 миллиард 800 миллион сўмга қисқарди. Мониторинг назорати ўрнатилган 22 та вазирлик ва идора 2000 йилнинг 1 январига қадар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларидан амалда халос бўлди.

Ўтган йили иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни фаоллашди. Хусусан, хўжалик судлари томонидан 995 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Бу — 1998 йилдагига нисбатан 548 та кўп демакдир.

Банкротликка учраган бир минг олтита корхона тугатилди. Банкрот бўлган корхоналарнинг 2 миллиард сўмликдан зиёд мол-мулки савдога қўйилди. Кредиторларнинг 837 миллион 500 минг сўмлик қарзи ундириб берилди.

Корхоналарни банкротлик ҳолатига тушириб қўйгани, ишга лоқайд муносабати ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилгани учун хўжалик судлари томонидан 95 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғаш ҳақида қарор чиқарилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида 1999 йилда Молия вазирлиги қошида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди.

Ушбу жамғарма орқали 1999 йил ҳосили учун 162 ярим миллиард сўм, жумладан, пахта хомашёси учун 101 миллиард 300 миллион сўм, ғалла учун 48 миллиард 600 миллион сўм, шоли учун 12 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга 2000 йил ҳосили ҳисобидан кузги-қишки агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш учун қарийб 32 миллиард сўм, иш ҳақи учун эса қарийб 53 миллиард сўм аванс маблағлари берилди.

Бу — қишлоқ хўжалиги ишларини белгиланган муддатда бажариш жараёнини зарур молиявий ресурслар билан мустаҳкамлаш имконини берибгина қолмай, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқонларга етиштирган маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб ишларини ҳам ўз вақтида амалга ошириш имконини яратди.

Учинчидан, таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Ўтган йили саноатдаги ўсиш асосан янги ишга туширилган иншоотлар ҳисобидан таъминланди. Янги ишлаб чиқариш тармоқлари ривожи учун 282 миллиард 300 миллион сўм ёки ялпи сармояларнинг 56 фоиздан кўпроғи йўналтирилди. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми бир ярим баробардан зиёдроқ ортди.

Тўртинчидан. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига иқтисодиётнинг негизини белгилайдиган тармоқларга қарашли ўрта ва йирик корхоналар ҳам жалб қилинди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан 1999 йили тушган маблағ 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. 1998 йили эса бу кўрсаткич 8 миллиард 800 миллион сўм бўлган эди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида тушган маблағнинг 350 миллион сўми корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш мақсадлари учун йўналтирилди.

Давлат мулки бўлган 67 та иншоот, жумладан, мулкий мажмуалар шаклидаги 27 та объект хорижий инвесторларга сотилди. Сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўланган маблағ 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу — 1998 йилдагига қараганда етти ярим баробар кўп демакдир. Шу билан бирга, хорижий сармоядорларнинг инвестиция мажбуриятлари 238 ярим миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Бешинчидан, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун хорижий кредитларни жалб этиш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу эса 1998 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда билдирилган танқидий фикрлардан банклар ва тегишли тузилмалар тўғри хулоса чиқариб олганидан далолат беради.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг нуфузли банклари, хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 150 миллион АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкининг 50 миллион АҚШ доллари, Германия тикланиш банкининг 5 миллион немис маркаси миқдоридаги, хуллас, умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган кредит маблағлари жалб этилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Юқорида номи тилга олинган Германия банкининг 15 миллион евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги янги кредит йўналишлари очилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналишини очиш ҳақида шартнома имзоланди.

Олтинчидан, мамлакатимизда муҳим ижтимоий дастурлар фаол амалга оширилди.

**Масалан, Аёллар манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш дастури** доирасида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига** мувофиқ, қарийб 8 минг ўқувчига мўлжалланган 13 та академик лицей, 58 минг ўқувчига мўлжалланган 90 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари жорий этилди. Коллежлар учун умумий касб-ҳунар ва мутахассислик бўйича салкам 1200 та ўқув дастури ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига киритилди.

**Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг давлат дастурини** амалга ошириш жараёнида аҳолига тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шаклланмоқда. Самарқанд, Фарғона ва Андижонда ушбу янги тизим тармоқлари, 30 та шаҳар ва туманда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бугунги кунда нодавлат секторида қарийб 1600 та хусусий тиббиёт муассасалари фаолият юритмоқда.

Ўтган муддат мобайнида **ижтимоий инфратузилма** янада ривожланди. Тўрт ярим минг километрли газ тармоғи — шундан 4 минг 300 километри қишлоқларда, икки минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи — шундан 1 минг 900 километри қишлоқ жойларида ишга туширилди.

Азиз дўстлар!

Айни вақтда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида таъкидланганидек, биз асосий эътиборни қўлга киритган ютуқлар таҳлилига эмас, балки ислоҳотлар йўлидан барқарор боришимизга тўсиқ бўлаётган муаммо ва қийинчиликларнинг танқидий таҳлилига қаратишимиз лозим. Айниқса, бугун йил якунини муҳокама қилар эканмиз, энг аввало, мана шу ҳақда гаплашиб олишимиз зарур.

Биринчи навбатда, қуйидаги масалаларга аниқлик киритиш керак: биз қайси ишларни қилишга улгура олмадик? Тараққиётимизга нималар тўсиқ бўлмоқда? Биз ҳали фойдаланмаётган яна қандай қўшимча имкониятлар мавжуд?

Мен бугун Вазирлар Маҳкамасининг Мажмуа раҳбарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг худди мана шу масалалар юзасидан аниқ жавоблар беришини истар эдим.

Ўтган йилдаги ишларимиз натижаларини айнан мана шу нуқтаи назардан танқидий баҳолайдиган бўлсак, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Биринчи. Шуни тан олиб айтиш керакки, 1999 йилга мўлжалланган вазифаларнинг барчаси ҳам тўла-тўкис амалга оширилмади.

Саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича кўзда тутилган ҳажмларга эришилмади. Мавжуд 180 турдаги энг муҳим саноат маҳсулотларининг 101 тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайишига йўл қўйилди.

Экспорт ҳажми ҳам мўлжалдаги даражага етмади. У атиги 83 фоизга бажарилди.

Бунинг сабабини фақат жаҳон бозори конъюнктурасидаги аҳволнинг биз учун ноқулайлиги билангина изоҳлаш мумкин эмас. Ҳамма гап шундаки, бизда маҳсулот экспорт қилувчилар фаолияти ҳам, ташқи иқтисодий фаолият маркетинги ҳам, ташқи бозорга товар чиқаришга хизмат қиладиган тизим ҳам жуда заиф ташкил этилган.

Экспорт ҳажми бўйича белгиланган топшириқларни бажаришда "Ўзқишлоқмашхолдинг" (9,4 фоиз), "Ўзмашсаноат" (10,1 фоиз), "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" (12,9 фоиз), "Ўзқурилишматериаллари" (29,7 фоиз) компанияларига, "Махсусқотишма" (14,2 фоиз), "Ўзавтосаноат" (24,4 фоиз) уюшмаларига қарашли корхоналар анча орқада қолмоқда.

Тегишли бирлашма ва идораларнинг мутасадди раҳбарлари йўл қўйилган бундай камчиликлар учун жавоб берадиган вақт келди. Керак бўлса, мансабда узоқ ўтириб қолган, замон талабларини тушунмайдиган раҳбарларни серғайрат, ташаббускор кадрлар билан алмаштириш зарур.

Шуни тан олиш керакки, бизнинг структура сиёсатимиз кўпинча ўз ҳолича шаклланмоқда. Мамлакатимиз саноати ривожида ўзига хос "локомотив" вазифасини бажариши лозим бўлган тармоқ ва корхоналарни аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак.

Соддароқ қилиб айтганда, мазкур тармоқ ва корхоналар ривожи ишлаб чиқаришнинг бутун бир янги тизимларини ўз ортидан тортиб кетиши керак. Четдан келтирилаётган бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналарни ўзимизда ишлаб чиқарадиган корхона ва қувватларни кенгайтириш ва ривожлантиришга яна ва яна эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман.

Бундай ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш саноат ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартириб қолмай, барча ресурслар ва маҳаллий хомашёдан янада самарали фойдаланиш, жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, кадрларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш имконини беради.

Ана шуларни назарда тутиб, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир етакчи тармоғи бўйича маҳаллий хомашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой ичида 2005 йилгача мўлжалланган мана шундай дастурни тайёрласин.

Иккинчи. Ўтган давр мобайнида йўл қўйилган камчиликлар, эришилмаган марралар ҳақида гапирар эканмиз, буларнинг негизи, томири, аввало, бошлаган ишимизни охиригача етказмаслик, бўшлик, масъулиятсизлик, расмиятчилик ҳолларига йўл қўйганимизда, малака ва билимнинг саёзлигида, ўзибўларчиликка берилиб кетганимизда деб биламан.

Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик, лекин, рўй-рост айтиш керакки, бозор иқтисодиётига хос янгиланишлар ва ислоҳотлар расмиятчилик билан олиб борилмоқда, кўп ҳолларда шунчаки хўжакўрсинга амалга ошириляпти. Асосан ном ўзгараяпти-ю, мазмун-моҳият ўша-ўша – эскилигича қолмоқда. Бозор муносабатлари механизми суст ишламоқда. Бу ҳол иқтисодиётнинг барча соҳаларида – саноатда, қишлоқ хўжалигида, капитал қурилиш ва бошқа тармоқларда кўзга яққол ташланиб турибди.

Биз кўпинча хусусийлаштириш ҳақида гапирганда, асосий эътиборни миқдор ўзгаришларига, дейлик, қанча корхона мулкчилик шаклини ўзгартирганига қаратамиз. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланганидан буён 76 мингдан зиёд давлат корхонаси мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказилганини катта ютуқ сифатида кўрсатамиз.

Лекин, азиз биродарлар, келинг, ўзимизга-ўзимиз бир савол берайлик: нима ўзгарди ва, биринчи навбатда, бу ўзгариш корхоналарнинг фаолияти натижаларига нечоғлик таъсир этди? Таассуфки, аксарият корхоналарда шакл ўзгарган-у, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида айтишга арзигулик ўзгариш рўй бермади.

Масалан, қурилиш материаллари саноатида 66 та корхонадан 14 таси иқтисодий ночор аҳволда. Айниқса, хусусийлаштирилган корхоналар — "Оҳангароншифер", "Бекободноруда", "Бекободцемент", "Сантехқуйма", "Кулол", "Бухоро қурилиш материаллари" ҳиссадорлик жамиятлари ўта оғир молиявий аҳволга тушиб қолган.

Кўпгина машинасозлик корхоналарида хусусийлаштирилгандан кейин ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермаяпти.

"Ўзэлтехсаноат" уюшмасига қарашли "Оникс" ҳиссадорлик жамияти жорий йилда 1998 йилги кўрсаткичларининг атиги 72,5 фоизи даражасида маҳсулот ишлаб чиқарган, устига-устак, корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўпайиб кетган.

"Ўзмашсаноат" уюшмасига қарашли "Мелиоқурилишмаш" корхонаси 1994 йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди, бу ўзгаришдан ҳеч қандай натижа чиқмагач, у шаҳар хўжалик судининг 1998 йил 4 декабрдаги қарорига кўра тугатилди.

Мулкчилик шаклларини ўзгартирган, аммо иш тўғри ташкил этилмагани учун ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар сирасига мева-сабзавот саноати тармоғида — "Андижон" ҳиссадорлик жамияти, "Хўжаобод" консерва заводи очиқ ҳиссадорлик жамияти, "Келесшароб" ҳиссадорлик жамиятини, қурилиш соҳасида — Тошкентдаги биринчи ва иккинчи уй-жой қурилиш комбинатларини, "Уйжойқурилиш", "Бошқурилишбутлаш" ва бошқа кўплаб корхоналарни киритиш мумкин.

Иқтисодий ночор корхоналари кўп бўлган тармоқлар ўз қўлларидаги акция пакетларини сотиш, хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш борасида ҳам катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Мисол учун, "Ўзбекмебель" давлат ҳиссадорлик жамияти 1999 йили сотилиши керак бўлган акциялар умумий миқдорининг бор-йўғи 26,7 фоизини, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси уч фоиздан сал ортиғини, "Ўзмашсаноат" уюшмаси эса атиги икки фоизини сотган, холос.

1999 йили давлатга тегишли 22 миллиард 600 миллион сўмлик акциялардан атиги 3 миллиард 800 миллион сўмлиги фонд бозорида сотилган.

Бундай нохуш аҳволнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, яъни самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида, деб биламан.

Мулк шакли номигагина ўзгармоқда, тармоқ бошқарув идоралари корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилик ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги оқибатида меҳнатга муносабат ва рағбат ўзгармасдан қолмоқда.

Ишимиздаги энг катта камчилик ва иллат шундан иборатки, корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларни қўллаб-қувватлаш механизми яратилмаган.

Мана шундай вазиятнинг юзага келишида акциядорларнинг ишончли вакили бўлган бошқарувчилар ва давлат улуши учун масъул шахсларнинг, қолаверса, Давлат мулк қўмитаси раҳбариятининг ҳам катта айби бор.

Ҳиссадорлик жамиятларида бошқарувнинг том маънодаги корпоратив шаклини ҳозирча жорий эта олмаяпмиз.

Акциядорлар ишончли вакилларининг иш услуби маъмурий буйруқбозлик тамойилларига асосланган иш услубидан фарқ қилмаяпти. Ишончли вакиллар бугун амалда тўрачилик тизимининг навбатдаги бўғинига айланиб қолган. Афсуски, қонунларимизда белгиланган, турли юридик ва жисмоний шахслардан танлов асосида малакали бошқарувчиларни саралаб олиш имкониятидан ҳаётда кенг фойдаланилмаяпти.

Юзага келган бу нохуш аҳвол учун шу соҳа ишониб топширилган, давлат мулкидан самарали фойдаланиш, муносиб бошқарувчиларни танлаш ва тавсия этишга мутасадди бўлган Давлат мулк қўмитаси жавоб бериши керак. Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Мажмуалари раҳбарлари ҳам бундан четда қолмайди.

**Келинг, энди қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнига назар ташлайлик.** 1999 йили 898 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ширкатларга айлантирилди. Уларнинг умумий сони республика бўйича 963 тага етди.

Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини тўлиқ таъминлашга, бу соҳада меҳнатни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорлик тамойилларини мустаҳкамлашга эриша олмадик.

Энг ачинарлиси, 119 та ширкат хўжалиги, яъни барча ширкатларнинг 12,3 фоизи йилни зарар билан якунлади.

Деярли барча туман ва вилоятларда ширкат хўжаликлари аъзолари, уларнинг раҳбарлари ўртасида сўров ўтказилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, кўпчилик ширкат хўжалиги аъзолари ва раҳбарлари бу ўзгаришлар нима учун қилинаётганини, унинг мазмун-моҳиятини яхши билмайди.

**(Давоми 2-бетда)**

**Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиламиз!**

**Ислом КАРИМОВ**

*Тошкент, 16 февраль 1999 йил.*



**Ogohlikka da'vat**

# ОБОД ВАТАННИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ БЎЛ!

*Ота-боболаримиз дуога қўл оча туриб "тани сиҳатлик, хотиржамлик бўлсин" дея фотиҳа қилишади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки хотиржамлик, осойишталик бўлмаган ердан барака кўтарилади, омад кетади. Шу боис, озод Ватанимиз истиқлолини кўз қорачиғидек сақлаш, эл-юрт тинчлигини таъминлаш, ёшларимизнинг эмин-эркин билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, асосийси, ёшларимизнинг мустақиллигимизни кўролмаётган экстремистик кучлар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик, аксинча, фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, элим деб, юртим деб яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчи бўлмоғи керак.*

*Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ташаббуси билан шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ўтказилган "Огоҳлик — давр талаби!" мавзуидаги анжуманда юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топди.*

*Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акрамов, Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Фозилқори Собиров, шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ислом Зокировлар йиғилганларга бугунги кунда жонажон юртимизда Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг аҳамияти, "Ҳизбут-таҳрир", ваҳҳобийлик ва бошқа экстремистик оқимларнинг ёшларимизни йўлдан уришга уринишларининг зарарли таъсири ва бу оқимларнинг тарихи ҳақида сўзлаб, барча талабаларни юксак билим олишга, ўзлигимиз ҳамда қадриятларимизни янада пухта ўрганишга чақирдилар. Ва ҳушёрликка даъват қилдилар.*

*Тошкент Молия иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси Мирпўлат Солиҳов, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов номли академик лицей ўқувчиси Миразиз Ғофуров, Тошкент Давлат Автомобиль йўллари институти қошидаги лицей ўқувчиси Шерзод Раҳмонов ўзлари таълим олаётган ўқув масканларида талабаларга яратиб берилган қулай имкониятлар хусусида гапириб, бундан буён ҳам чуқур билим олишга, озод -обод Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлишга ваъда бердилар ва йўлидан адашган тенгдошларини нопок йўлдан қайтишга даъват қилдилар.*

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1999 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2000 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Боши 1-бетда)

**Ислоҳотлардан мақсад — кишиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаяпти. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳақ олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, шуни билиб қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди.**

Фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ишларимизнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Чинакам фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак. Тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт. Энг муҳими, давлат қишлоқдаги мулкдорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак, деб ҳисоблайман.

Биз қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан асло муроса қила олмаймиз. Бу иш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимликлар жавоб бермоғи керак.

Талаб қаттиқ бўлади. Мен бу масала юзасидан шахсан Б.Олимжоновдан, ҳар бир вилоят ва туман ҳокимларидан аниқ жавоб кутаман.

Ёки капитал қурилиш соҳасини олайлик.

Капитал қурилишни ислоҳ қилиш жараёнида кам қувватли, зарар кўриб ишлаётган 800 га яқин ташкилот тугатилди. Қурилиш саноати, механизациялаш ва транспортга таалluқли 330 дан зиёд корхона ва ташкилот мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Пудрат усулига тендер савдосини жорий этиш 4 миллиард 700 миллион сўм маблағни тежаш имконини берди.

Шу билан бирга, самарали фаолият кўрсатадиган пудрат ишлари бозори ҳозирча ташкил этилгани йўқ. Тендер савдоси ҳужжатларининг сифати талабга жавоб бермайди. Тендерларни ўтказишда объектларни "ўзига тегишли" қурилиш ташкилотлари ўртасида тақсимлаш, уларнинг нархини олдиндан белгилаб қўйиш, очиғини айтганда, бу муҳим тадбирни амалдаги қоидаларга зид равишда, номигагина ўтказишдек кўплаб нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Техник ҳужжатларни тўлғазишдаги камчиликлар қурилиш иншоотлари нархининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Навоий вилояти, Конимех туманидаги коллежни қайта таъмирлаш қиймати 100 миллион 700 минг сўмдан 147 миллион 300 минг сўмга, Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги академик лицей қурилишининг қиймати 737 миллион 600 минг сўмдан 818 миллион 900 минг сўмга ошган.

Ҳукумат қарорида белгиланганига қарамай, жойларда кўплаб кам қувватли қурилиш ташкилотлари сақланиб қолмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида йил давомида "Ургутагроқурилиш"га қарашли 391-кўчма колонна 58 минг сўм, "Ўзбектрансқурилиш"га қарашли 855-қурилиш бошқармаси 38 минг сўм, 286-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна 41 минг сўмлик ҳажмда пудрат ишларини бажарган, холос.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу каби ҳолатни кузатиш мумкин. "Хайробод" хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси бир йилда бор-йўғи 61 минг сўм, "Сурхонтаъминот" акциядорлик жамияти 6 минг сўм, "Қурилиштранс" акциядорлик жамияти 35 минг сўмлик иш бажарган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: кам қувватли, кичик, зарар кўриб ишлаётган пудрат ташкилотлари кимга ва нима учун керак? Ким уларни таъминламоқда? Бундай ишларга чек қўйиш вақти етди. Республика прокуратураси раҳбарлигида керакли мутахассисларни жалб этиб, махсус комиссия тузишни, текширув натижалари ҳақида бир ой муддатда ҳисобот беришни топшираман.

Ўтган йил давомида тижорат банкларининг капиталини кўпайтириш, барқарор, **молиявий жиҳатдан мустаҳкам банк** тизимини ташкил этиш борасида муайян ишлар қилинди. Ҳисобот даврида тижорат банкларининг умумий сармояси 1,5 баробар ошди ва 144 миллиард сўмга етди. Бунда банклар томонидан акциядорларнинг 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағи устав капиталига қўшимча равишда жалб этилди. Тижорат банкларининг акциядорлари сезиларли даражада кўпайди. Уларнинг умумий сони 66 минг 800 нафардан 82 минг 300 кишига етди.

Айни пайтда "Савдогарбанк", "ЎТбанк", "Туркистонбанк", "Истиқболбанк", "Ўктамбанк" каби банкларда капиталлаштириш жараёни суст бормоқда. Банк тизимида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки амалда ҳамон яккаҳоким бўлиб турибди.

Банкларнинг инвестиция фаолияти жадал ривожланмаяпти. Банклар кредит портфелининг асосий улуши марказлашган ресурслар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳиссасига тўғри келади. Бу — қурилиш ва ишлаб чиқариш жиҳозлари учун ажратилган кредитларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

Янги корхоналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларига инвестиция ажратишни кредитлаш асосан бешта банкда — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Пахтабанк", "Асакабанк" ва "Уйжойжамғармабанк"да жамланган. Қолган 28 банк ҳиссасига эса умумий инвестиция кредитлари ҳажмининг атиги 2 фоиздан зиёдроғи тўғри келади.

**Мен бунинг сабабини, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни жорий этишга масъул бўлган Марказий банк, Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа муассаса ва ҳукумат тузилмалари қониқарсиз ишлаётганида, деб биламан.**

У ч и н ч и. Бизнинг, балки, энг заиф томонимиз шуки, **кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни** талаб даражасида ривожлантира олмаяпмиз. Бунга эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига хос қудратли, ички омилига айланиши зарур.

**Тадбиркорлар, мулк эгалари синфини — мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантириш ҳам ҳозирча ҳукуматимиз ва маҳаллий ҳокимликларнинг бош мақсади ва вазифасига айланмаяпти.** Бунинг устига, янги шаклланаётган ижтимоий қатлам — тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик ва ўрта корхона эгалари ўз фаолиятларида амалий ёрдам ўрнига лоқайдликка, айрим ҳолларда эса жойларда давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг қаршилигига дуч келмоқда.

Биз кичик ва хусусий бизнеснинг аҳамияти, уни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп гапирамиз. Унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда муайян ўрин эгаллаши, аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлик муаммосини ҳал этишнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаймиз. Бунинг учун кенг қамровли ҳуқуқий асос яратганмиз. Амалда эса нима бўлаяпти?

Кичик ва ўрта корхоналар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бор-йўғи 12,6 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида фақат 6,2 фоиз, қурилиш соҳасида эса 12,3 фоиздан иборат.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланиб бориши ўрнига биз кўп жойларда бунинг акси бўлган манзарага дуч келмоқдамиз. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони республикада 3,6 фоизга, жумладан, Қашқадарё вилоятида — 6,3, Андижонда — 11, Хоразмда — 12, Тошкент шаҳрида эса — 12,6 фоизга камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳозирги вақтда 5 ярим минг кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда 28 минг 600 микрофирма фаолият кўрсатмаяпти. Бундай микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар салмоғи Қорақалпоғистон Республикасида — 41,4 фоизни, Самарқанд вилоятида — 32,3 фоизни, Навоийда — 26 фоизни, Тошкент шаҳрида — 25 фоизни ташкил этади.

Номлари юқорида зикр этилган вилоят ва шаҳар ҳокимлари, тадбиркорликка ёрдам бериши керак бўлган Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарлари бундай нохуш ҳолатдан нега безовта бўлмаяпти? Нега қўл қовуштириб ўтирибди, нега улар бонг урмайди? Энг муҳими, бу мутасаддилар нега зарур чора-тадбирлар кўришмаяпти?

Агар бу хўжалик юритиш субъектлари — кичик ва ўрта корхоналар бир вақтлар жиддий ҳисоб-китобларсиз, шошқалоқлик билан ташкил этилган бўлса, бугунги кунда бу борада биз барча зарур қонунчилик ва ҳуқуқий асосларга эгамиз. Шундай экан, бу масалани эндиликда охирига етказишимиз керак. Бу борада фаолиятсизлик, ортиқча кутиб ўтириш порахўрлик ва таъмагирлик учун шарт-шароит яратади, холос.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни амалдаги қонунчиликдан устун кўриш, ҳатто уларга қарама-қарши қўйиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини чеклаш ҳоллари қачон барҳам топади? Бундай бемазагарчиликларга қачонгача тоқат қиламиз?

Ҳозирги вақтда вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан Ҳукумат қарорларига хилоф равишда мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кичик ва ўрта бизнес тараққиётига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Прокуратура органлари томонидан туман, шаҳар ҳокимлари чиқарган ноқонуний ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар устидан 137 та протест келтирилган ва 5 та тақдимнома киритилган. Уларнинг 49 фоизи Самарқанд вилояти, 20 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Маҳаллий органлар ва идоралар тадбиркорларга кўмаклашиш ўрнига ҳар турли тўсиқ ва ғовларни ўйлаб топишмоқда. Уларга бундай **ўзбошимчалик қилишга ким** ҳуқуқ берди?

Бунга шу залда ўтирган ҳокимлар қандай жавоб бериши мумкин?

Ҳатто шунчаликка бориб етишганки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олишга келганларни газета ва журналларга обуна бўлишга, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциацияси каби ҳар хил уюшма, жамғарма, бирлашма ва ассоциацияларга аъзоликка мажбур этишмоқда. Улардан турли тадбирларни ўтказишга маблағ ундириб олишмоқда.

Бундай бемаъни ишларга қатъиян чек қўйиш, маъмурий-буйруқбозлик, эски, якка партиявийлик тизимидан қолган бу каби иллатларни таг-томири билан суғуриб ташлаш, айбдор шахсларни эса сиёсатимизни обрўсизлантираётгани учун жавобгарликка тортиш зарур.

Кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатга олиш, тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш муддати ҳамон чўзиб юборилмоқда.

Мавжуд аҳвол таҳлили, жойлардан тушаётган аризалар шундан гувоҳлик берадики, тадбиркорлар ҳанузгача моддий-техника ва хомашё ресурслари ҳамда банклардан кредит олишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Лимит ва квота ажратишнинг мавжуд тизимида тадбиркорларнинг манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Бир мисол келтирмоқчиман. Фарғона вилоятида тадбиркорлар бензин ва дизель ёқилғиси олишолмаётганидан шикоят қилишган эди. Ўйлайманки, бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундай. Масала атрофлича ўрганилганда, бу шикоятлар асосли экани маълум бўлди. Вазирлик ва муассасаларнинг нефть маҳсулотларига бўлган лимити фақат бир фоизга қисқартирилганида, шу йилнинг ўзидаёқ тадбиркорларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун қўшимча имконият юзага келди.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит маблағлари ажратиш бўйича турли хил сансалорликлар давом этмоқда. **Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва кредит олиш тинкани қуритадиган даражада оғир жараёнга айланган.**

Айрим тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четга олмоқда. Масалан, ўтган йили "Ғаллабанк" кредит бериш дастурида кўзда тутилган маблағдан атиги 11 фоиз ажратган, "Асакабанк"нинг Хоразм бўлими эса кредит бериш дастурида белгиланган 146 миллион 600 минг сўмдан бир сўм ҳам бермаган.

**Кичик ва хусусий корхоналарнинг хорижий кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятлари фоиз даражасининг баландлиги, бизнес режаларни ишлаб чиқишда тажриба етишмаслиги, гаров талаблари ўта юқорилиги сабабли чекланиб қоляпти.** Ҳатто микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаётган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда. Барча босқичларда келишиб бўлинган лойиҳалар бўйича кредит ажратишни расмийлаштиришда ҳам сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Марказий банк, тижорат банклари бу масалани батафсил ўрганиб чиқиб, тадбиркорларни кредит билан таъминлаш жараёнини соддалаштиришга қаратилган тартиб ўрнатишлари зарур. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунида ахборот беришни сўрайман.

Кичик ва ўрта корхоналар ҳисоботи масалаларида ҳам тартиб ўрнатиш вақти келди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳар ойда 15 хилдан кўп ҳисобот топшириши тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир. Жумладан, меҳнат биржаси, пенсия жамғармаси, ижтимоий суғурта жамғармаси, бандлик жамғармаси, статистика идоралари, солиқ инспекцияси, банк ва бошқа ташкилотларга ҳисоботлар бериш бюрократик тўсиқлардан бошқа нарса эмас. Бунга озмунча вақт кетадими? Устига-устак, ҳар бир ҳисобот бланкаси учун ҳақ тўлаш зарур. **Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бу ишда зудлик билан тартиб ўрнатиши керак. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунида ҳисобот беришни сўрайман.**

Шуни таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида бир қатор тўсиқларга дуч келинмоқда. Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устингдан жиноий иш қўзғатаман, деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда.

**Аниқланган ҳар бир ғайриқонуний бундай хатти-ҳаракат фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши ва жиддий кўриб чиқилиши керак.**

Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаънига доғ тушираётган нопок, худбин ва ғаразгўй кимсалардан кескин тарзда халос бўлиш лози... Афсуски, бундай нохуш ҳоллар учраб турибди. Айрим мисолларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Фарғона вилояти Данғара тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори Ф.Соҳибов тадбиркор Г.Тоштемировадан ойлик ҳисоботни қабул қилиш чоғида пора олгани учун қўлга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Марғилон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган А.Султонов "Мебель" фирмаси директорини тафтиш ўтказиш билан қўрқитиб, пора олиш мақсадида таъмагирлик қилаётганида қўлга олинган ва шаҳар суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилган.

Бунга ўхшаш мисолларни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин. Ҳар бир бундай қонунбузарлик ҳоллари кенг жамоатчиликка маълум қилиниши керак.

Тадбиркорларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини сезиларли даражада ошириш талаб этилади. Чунки судлар томонидан айрим жиноий ишларнинг асоссиз очилгани учун ёпиш ҳоллари учрамоқда.

Масалан, Миробод туман суди мазкур туман солиқ инспекциясининг текширув акти ва қарори асосида Тошкент шаҳар прокуратураси "Рута" саноат-савдо фирмаси директорига нисбатан қўзғатган жиноят иши бўйича қўйилган айбловнинг барча бандларини ноқонуний деб топган. Солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан эса хусусий ажрим чиқарган.

Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Бизнес-фонд каби тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида махсус ташкил этилган тизимлар фаолиятига тааллуқли жиддий эътирозлар мавжуд. Уларнинг иши бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу тизимлар ёки бутунлай ишламайди ёки, бундан ҳам ёмони, уларнинг ўзлари бюрократик идораларга айланиб қолган. **Бунинг илдизига етиш вақти келди.**

Айтилганлардан хулоса чиқариб, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат комиссияси мутлақо фаолият кўрсатмаганини таъкидлаш зарур. Қисқа муддат ичида бу комиссия таркибини қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш лозим.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни амалдаги қонунлар ва меъёрларга риоя қилган ҳолда ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ барча масалаларни кечиктирмай ҳал этиш зарур. Бунда асосий мутасаддилик вазифасини мазкур Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи сифатида Ўзбекистон Адлия вазирлиги зиммасига юклаш лозим, деб ҳисоблайман. **Негаки, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди.**

Т ў р т и н ч и. Биз учун муҳим бўлган яна бир масала хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. **Гап иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Мен яна бир карра таъкидламоқчиман. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бусиз кучли рақобат шароитида жаҳон бозорларига кириш ва улардан мустаҳкам ўрин эгаллаш амримаҳол.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун энг қулай инвестиция муҳити барпо этилган. Шуни очиқ айтишимиз керакки, бу қулайлик ўз самарасини бермоқда. Кўплаб чет эл компания ва банклари биз билан шерикликда ишлаш, ўз маблағларини иқтисодиётимизга ёткизиш истагини билдирмоқда, бизни ўзлари учун истиқболли ҳамкор деб тан олмоқда.

Ўзлаштирилаётган чет эл сармояси ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1 миллиард 324 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилгани бор ҳақиқатни айтиб турибди. Мамлакатимиздаги барча капитал қўйилмаларнинг 24 фоизини чет эл сармояси ташкил этаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Келинглар, шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик. Мамлакатимизга чет эл сармояси янада кўпроқ келиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ҳаммамиз ҳам қўлимиздан келадиган барча ишни қиляпмизми? Чет эллик сармоядорлар билан керакли даражада фаол ишлаяпмизми? Бу борада барча зарур шарт-шароит яратилганми?

Афсуски, хорижий сармояларни жалб қилиш ва истиқболдаги сармоядорлар билан ишлашни ташкил этишда бизда кўплаб ҳал этилмаган муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Акс ҳолда, 1999 йилда ҳукумат кафолати асосида ажратилган хорижий сармоя ва кредитларни ўзлаштириш кўзда тутилганига нисбатан амалда атиги 53 фоизни, бевосита йўналтирилган инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бор-йўғи 32 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Чет эллик сармоядорлар билан иш олиб боришдаги сансалорлик, кўзбўямачилик ва ҳатто ошкора таъмагирлик ҳолатларининг ҳамон учраб туриши бизни қаттиқ ташвишга солади. Шундай фактлар ҳам маълумки, сармоя лойиҳасини ишлаб чиқаётганда айрим уддабурон кимсалар самарадорлик ва лойиҳанинг валюта қийматини қоплаш тамойилига амал қилиш ўрнига, ўз шахсий, ғаразли манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўймоқда.

Мен, ким қайси лавозимни эгаллаб турганидан қатъий назар, маҳаллий раҳбарлардан тортиб юқори Ҳукумат даражасидаги ташкилот раҳбарларигача, барча-барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: биз бу иллатга қарши шафқатсиз кураш олиб борамиз, уни таг-томири билан қуритиб ташлашга қурбимиз етади. Бу борада ҳеч кимга шафқат қилинмайди. Биз учун мамлакатимизнинг шаъни-шарафи, қадр-қиммати ва обрў-эътибори ҳамма нарсадан афзалроқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуа раҳбарларидан, ташкилотлар бошлиқларидан қайта ва қайта сўрамоқчиман: қачонгача биз ишга бундай масъулиятсиз муносабатда бўламиз, қачонгача ҳафсаласизлик ва сусткашлик қиламиз? Нега ҳалигача лойиҳаларни техник иқтисодий жиҳатдан асослаш бўйича иш олиб борадиган профессионал лойиҳа-инжиниринг компаниялари тизими яратилмаяпти? Нега ваколатли идораларда техник иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш муддатлари чўзиб юборилмоқда? Нима учун инвестиция лойиҳалари бўйича ишловчи тизимни малакали кадрлар билан таъминлашда сусткашлик қилинмоқда? Бунинг учун ким жавоб беради? Ахир, айнан мана шу ҳолат инвестиция жараёнида тўсиқ-ғов бўлиб турибди-ку! Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари бу саволларга жавоб топишлари керак.

Бизни чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқтирмайди. Бу соҳада хўжакўрсинлик ҳолатлари жуда кўп. Биз аксарият ҳолларда бундай корхоналар сони кўпайгани, бугунги кунда 3,5 мингтага етгани тўғрисидаги статистик маълумотлар билан мағрурланиб юрамиз.

Келинглар, бу корхоналар қандай фаолият кўрсатаётгани, нима ишлаб чиқараётгани, уларнинг ҳудудлар бўйича қандай жойлаштирилганига танқидий баҳо берайлик. Амалда бу корхоналарнинг атиги 52 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизигина ишлаб чиқариш корхоналари экани бизни ташвишга солмай қўймайди.

Бунинг устига қўшма корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилган. Мисол учун, республикамизда фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган. Кўпгина туманларда, хусусан, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда эса бундай қўшма корхоналар ё умуман қурилмаган ёки бори ҳам бармоқ билан санарли экани ачинарли ҳолдир.

Республикамиздаги 163 та қишлоқ туманининг 52 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганига қандай чидаш мумкин? Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 та қишлоқ туманининг 11 тасида биронта қўшма корхона тузилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Сирдарё вилоятида — 8 та, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида — 5 тадан, Сурхондарё вилоятида — 4 та туманга ҳали чет эл капитали мутлақо кириб бормаганига нима дейиш мумкин?

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турган туманларда маҳаллий раҳбарларнинг, энг аввало, ҳокимликларнинг фаолиятсизлиги туфайли қўшма корхоналар ташкил этилмаётгани жиддий ташвиш туғдиради ва кишини ранжитади. Улар янги иш ўринлари очиш учун маблағ йўқлигини рўкач қилади-ю, аммо чет эл сармоясини жалб этиш, замонавий, ихчам қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида мутлақо бош қотирмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ўта муҳим бўлиб тургани ҳолда биронта қўшма корхона ташкил этилмаган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Қашқадарё вилоятининг Касби ва Нишон, Навоий вилоятининг Нурота ва Навбаҳор, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Сирдарё вилоятининг Боёвут, Мирзаобод ва Ховос, Фарғона вилоятининг Бувайда, Учкўприк ва республиканинг бошқа бир қатор туманлари ҳокимлари қаёққа қарамоқда?

Шуни қатъий айтаманки, агар бу раҳбарлар ана шу вазиятдан чиқиш йўлини топмаса, ўзлари эгаллаб турган лавозимларда қолишга маънавий жиҳатдан ҳақи йўқ.

Хорижий сармоядорларнинг республикамизга келиб, ўзлари ҳамкор излаётгани, шу мақсадда махсус бизнес-семинарлар ўтказаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина сўнгги икки йил мобайнида шундай семинарлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида бўлиб ўтди. Минг афсуски, улар биздаги бефарқлик, тўрачилик, боқибеғамлик каби иллатлар туфайли бирон-бир натижага эриша олмай қайтиб кетишмоқда. Хўжакўрсинлик учун олиб борилаётган бундай тадбирлар ҳеч кимга керак эмас.

Қуйидаги мисолнинг ўзиёқ буни тасдиқлайди. Италиянинг "Фата групп" компанияси, бир неча йилдирки, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан агросаноат мажмуи дастурини амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳа 1999 йил Инвестиция дастурига киритилган эди.

Италия томони ҳозирнинг ўзидаёқ 50 та техник иқтисодий асосномаларни ишлаб чиқиш ва уларни пул билан таъминлаш, халқаро экспертларга ҳақ тўлаш, италиялик мутахассисларнинг 35 марта мамлакатимизга келиб-кетиши, ҳокимлик ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг Италия корхоналарида бўлиши учун катта маблағ сарфлади. Лекин ҳанузгача тайинли бир натижа йўқ.

Асло тоқат қилиб бўлмайдиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Барча поғоналарда ишни шундай ташкил этишимиз кераки, Ўзбекистонга қизиқиш билан қараётган биронта чет эллик сармоядор мамлакатимиздан инвестиция киритиш учун аниқ таклифлар олмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетмасин.

Б е ш и н ч и. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига **хизмат қилувчи инфратузилма етарли даражада ишламаяпти.** Бозор институтлари расман ташкил этилган бўлсада, аммо яхлит, ўзаро уйғун, энг муҳими, амалий фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси ҳали яратилгани йўқ. Бугун биз мавжуд бозор тузилмалари ҳали такомилига етмагани, иқтисодиётни бошқаришнинг кўплаб вазифаларини ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигини тан олишга мажбурмиз.

Инфратузилма йўналишларининг қайси тармоғини олманг — у суғурта соҳасими, лизинг соҳасими, аудит соҳасими — барчасида аҳвол қониқарли эмас.

Мисол учун, **суғурта соҳасини** олайлик. Шу нарса аниқки, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари такомиллашган суғурта тизимисиз самарали ишлаш, инвестиция фаолияти билан шуғулланиш, кредит олиш имконига эга эмас. Бизда ҳозиргача тузилган суғурта компаниялари кафил бўлиш вазифасини бажара оладими? Албатта, йўқ!

Чунки рўйхатдан ўтган 100 га яқин суғурта компаниясидан 30 таси фақат ички бозорда фаолият кўрсатмоқда. Бунинг устига, барча асосий кўрсаткичларнинг 80-90 фоизи давлат иштирокида тузилган учта компания — "Ўзбекинвест", "Кафолат" ва "Агросуғурта" ҳиссасига тўғри келмоқда.

Суғурта компаниялари салоҳиятли мижозларни кўпайтириш, бўш маблағларни жалб этиш бўйича ҳам суст ишламоқда.

Суғурта операцияларининг қарийб 40 фоизини мажбурий суғурталаш ташкил қилади. Бу айрим давлат-акциядорлик суғурта компаниялари учун доимий даромад манбаига айланиб қолган. Масалан, "Кафолат" суғурта компаниясига 1999 йил учун мажбурий суғурталаш бўйича 290 миллион сўм атрофида суғурта бадали келиб тушган. Бу барча тушумларнинг 45 фоизини ташкил қилади.

"Мадад" агентлиги эса 30 миллион сўм ёки тушумларнинг 20 фоизини ана шундай бадал ҳисобидан тўплаган.

Айрим суғурта компанияларининг устав маблағлари ва операциялар ҳажми етарли бўлмаган бир шароитда кафолат тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Ҳақли савол туғилади. Молия вазирлиги қошида тузилган давлат суғурта назорати қаёққа қараяпти?

Бозор инфратузилмасининг бошқа **бир институти — лизинг компаниялари** фаолиятини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Ҳолбуки, уларнинг фаол ишлаши учун махсус қонун қабул қилинди, барча шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги кунда лизинг хизматига алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари айнан лизинг орқали замонавий ихчам технологияларга эга бўлиши мумкин. Бугун биз учун ғоят зарур бўлган инвестициялар оқими кучайишига, қишлоқ хўжалиги техникасини, транспорт ва самолётлар паркини янгилашда лизинг амалий восита бўлиб хизмат қилиши зарур.

Бугун республикамизда бор-йўғи 12 лизинг ташкилоти тузилганига, амалда уларнинг фақат тўрттаси лизинг фаолияти билан шуғулланаётганига нима деса бўлади? 1999 йилда лизинг компаниялари орқали атиги 20 лойиҳа амалга оширилгани, инвестициянинг умумий ҳажмида лизинг салмоғининг мутлақо камлиги билан қандай муроса қилиш мумкин?

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва бошқа манфаатдор идоралар ғоят қисқа муддатда лизинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни батафсил ўрганишлари, уни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш юзасидан аниқ таклифлар киритишлари зарур.

**Биз консалтинг, инжиниринг, аудиторлик ва бошқа шунга ўхшаган компанияларнинг** бозор муносабатлари шароитидаги аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, афсуски, бу масалада ҳозиргача реал ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти.

Ўзингиз ўйланг, республикада бор-йўғи иккита "Ўзинвестлойиҳа" билан "Кимёинвестлойиҳа" махсус инжиниринг компанияси рўйхатдан ўтган. Уларнинг иккови ҳам Тошкентда жойлашган. Аҳвол шундай бўлгач, яна қандай инжиниринг хизмати бозори ҳақида гапириш мумкин? Бундай шароитда инвестиция лойиҳаларини техник иқтисодий асослаш ва экспертиза ишлари умуман қониқарсиз эканидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Рўйхатдан ўтган бор-йўғи 85 консалтинг компаниясининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Бунинг устига уларнинг деярли тенг ярми Тошкентда фаолият кўрсатяпти. Бир қанча ҳудудларда бундай компаниялар умуман кам: Навоий вилоятида битта, Бухоро ва Хоразм вилоятларида иккита шундай фирма ишлаяпти, холос.

Аудиторлик фирмалари ўтказаётган тафтишларда кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Улар аксарият ҳолларда хўжалик субъектларини тузилган шартномалар асосида эмас, балки назорат идораларининг кўрсатмаларига биноан тафтиш қилмоқдалар.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятида ўрганилган 10 та аудиторлик текширувининг олтитаси ҳуқуқ-тартибот органлари кўрсатмасига асосан ўтказилгани аниқланди. Бунда аудиторлик текширувига сарфланган харажатлар тўғридан-тўғри текширувчилар бўйнига тушган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим аудиторлик фирмаларини ўз қаноти остига олиб, уларга иш топиб беришдек бундай бемаъни усулларга чек қўйиш керак. Вазирлар Маҳкамаси барча манфаатдор тизимларни жалб этиб, амалдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунни танқидий кўриб чиқиши, аудиторларнинг масъулиятини ошириш ва тафтиш қилинаётганларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилган тегишли қўшимчалар ва тузатишлар киритиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, **бизнесменлар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг малакасини оширмасдан туриб** тадбиркорликни ривожлантириш, бозор муносабатларини шакллантиришни асло тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда республикамизда бизнес мактаблари тизими ташкил этилмоқда. Ҳар бир ҳудудда бизнес-инкубаторлар ишлаб турибди. Шу кунгача бизнес-инкубаторларда 12 мингдан ортиқ, жумладан, 1999 йилда 5 мингдан зиёд киши ўқитилди. Аммо бу ҳали етарли эмас.

Шу билан бирга, уларнинг фаолиятида хўжакўрсинга ишлаш каби бир қанча муаммолар мавжуд. Аксарият минтақаларда бу тизим амалда ишлаётгани йўқ. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида ўқув машғулотлари умуман олиб борилмаган. Бу ҳудудлардаги бизнес-инкубатор субъектлари томонидан биронбир инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаган. Самарқанд, Хоразм, Андижон вилоятларида эса бу ишларга етарли эътибор берилмаётгани туфайли 60 нафарга яқин тадбиркор ўқитилган, холос.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: бу бизнес-инкубаторларда кимлар ўқитилмоқда? Эслатиб қўймоқчиман, **бизнес инкубаторларнинг асосий вазифаси — тадбиркорларни, аввало, қўлидан иш келадиган, бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган деҳқон ёки малакали ишчи ва ҳунармандларни ўқитишдан иборат.**

Амалда тадбиркорлар жами ўқиётганларнинг 65-70 фоизидан ошмайди. Ўқиётганларнинг асосий қисми эса турли ташкилот, муассаса, корхона раҳбарлари ва мутахассислари, яъни амалдорларнинг ўзларидан иборат бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиётининг турли институтлари фаолиятига баҳо берар эканмиз, Давлат мулк қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлашга тўғри келади. Чунки айнан мана шу қўмитанинг фаолияти бозор инфратузилмаси ва тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

О л т и н ч и. **Давлат ва ижтимоий тузилмалар, биринчи навбатда, қонуннинг бажарилишини таъминлайдиган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тадбиркорлар ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.**

Текширувларни тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилгач, уларнинг сони 25 фоизга қисқарди. Лекин, шунга қарамай, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан белгиланган тартибда келишмасдан текширувлар ўтказиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Назорат органлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш ўрнига ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари билан амалда кичик бизнес ривожига тўсқинлик қилмоқда. Бундай бемаънигарчилик қачонгача давом этади?

Бу ташкилотларнинг раҳбарлари қаёққа қарамоқда? Улар салбий иллатларга қарши курашиш учун катта ваколатларга эга. Биз, аввало, уларнинг ўзидан қонунга қатъий итоат этишни талаб қиламиз. **Қонунни биринчи навбатда ҳурмат қилиши лозим бўлган тизимларнинг ўзи унга ўзи хоҳлаган тарзда муносабатда бўлса, қандай қилиб ҳуқуқий давлат қуриш мумкин? Агар уларнинг манфаатларига мос бўлса, улар қонун посбонлари-ю, манфаатларига зид келса, қонунни оёқости қилишса, бу қайси мантиққа тўғри келади?**

Такрор ва такрор таъкидлайман — қонун барча учун баробар. Қонун олдида ҳамма тенг. Биз қонун устуворлигини ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий тамойилларимиздан бири, деб бекорга белгилаган эмасмиз.

Мен яна бир марта огоҳлантириб қўймоқчиман, ўзбошимчалик билан корхоналар фаолиятига аралашиш бўйича ҳар бир факт қонуннинг қўпол бузилиши, деб баҳоланади ва айбдор шахслар қатъий равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу масала бўйича прокуратура идоралари алоҳида жавоб беради.

Шунингдек, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши фақат йўналиш бўйича кўрсатмалар бериш билан чекланиб қолмасдан, бу масалада қатъият кўрсатиши керак.

Ҳукуматнинг ҳар бир қарори ижросини таъминлаш, шу билан бирга иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва назорат қилиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмаларига юклатилган. Сиртдан қараганда, барча зарур тузилмалар шаклланган, кадрлар билан таъминланган. Лекин нега ҳукумат қарорлари бажарилмаяпти?

Чунки бу ерда расмиятчилик палак отган: мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида иш тутилмоқда.

Очиғини айтганда, Вазирлар Маҳкамаси мажмуалари йилнинг бир чорагидан иккинчи чорагигача ҳамиша бир хил "боқий" масалаларни кўриб чиқади, номига топшириқлар беради, номига назорат қилади. Оқибатда айнан бир хил муаммолар муҳим топшириқ сифатида кун тартибига қўйилаверади, баённомалардан баённомаларга "кўчиб" юради. Лекин уларнинг ечими бўйича амалий иш йўқ. Энг ёмони, бу ҳеч кимни безовта қилмайди.

Ечимини кутаётган долзарб муаммоларнинг йиғилиб қолиши, жойларда содир этилаётган қонунбузарликлар, бемаънигарчиликлар, биринчи навбатда, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг, Мажмуа раҳбарларининг диққат-марказида бўлиши лозим эмасми! Иқтисодиётимизнинг тақдири пировард натижада сизларнинг қатъиятингизга, ғайрат-шижоатингизга, масъулиятни ўз зиммангизга нечоғлик ола билишингизга бевосита боғлиқ эмасми?

Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби бугун ислоҳотлар жараёнига тўсиқ-ғов бўлаётган камчиликларни, эски тизимдан қолган, кечиктирмай бартараф этилиши лозим бўлган иллатларнинг сабабларини чуқур таҳлил этиши, йўл қўйилган хатолардан тегишли сабоқ чиқариб, амалий чора-тадбирлар кўриши лозим. Энг муҳими, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш мамлакатимиз олдида турган мақсадларга эришишнинг кучли, таъсирчан механизмини яратиши зарур. Ўйлайманки, ушбу мажлис иштирокчиларига халқимиз сиз билан бизга билдирган юксак ишончни оқлаш энг муқаддас бурч, ҳар биримиз учун виждон иши эканини эслатиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узоқроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, балки, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшаши зарур. Ҳали кўзга ташланмаган муаммоларни сезиши, кўра билиши керак. Раҳбар унга ишонган одамларни атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, эртага у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳ этиб бориши лозим.

Мен Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ биринчи сессияси биринчи йиғилишида, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Агарки, биз раҳбарлар мамлакатимизда, дунёда бўлаётган иқтисодий жараёнлардан огоҳ бўлмасак, бу жараёнлар эртага нимага олиб келиши мумкинлигини олдиндан сезмасак, уни тўғри баҳолай олмасак, бугун эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб хотиржамликка берилсак, ютқазамиз.

Эртанги кунимиз фаровон бўлсин десак, тараққий топган давлатлардан кам бўлмасдан ўзимизнинг орзу-мақсадимизга эришмоқчи бўлсак, бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.

Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва яна изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан яшашимиз керак. Ана шундагина Аллоҳ таоло бизни қўллайди, йўлимизни очиб беради. Илгари кўп бор айтганимдек, элим деб, юртим деб, ёниб яшаш ҳар биримиз учун ҳаёт мазмунига айланиши даркор.

Ишонаман, беш-ўн йил ичида Ўзбекистонимизнинг қиёфаси тамомила ўзгариб кетади, қудратига қудрат қўшилади. Насиб этса, ҳаммамиз бунинг гувоҳи бўламиз.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида сиҳат-саломатлик, ғайрат-шижоат тилайман!

# ОТАБЕККА ҲАВАС ҚИЛАСИЗМИ?

**Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг эркин фикрлашини шакллантириш хусусида**

Ёшгина гўдакнинг қўлига қалам олиб, қоғозга нималарнидир чизишга уринаётганини кузатганмисиз? Унинг бу уриниши бирор-бир тугал шаклдан, мазмунга йўғрилган тасвирдан жуда йироқ бўлиши мумкин. Муҳими бу эмас. Муҳими, у қўлида қалам билан чизишга уринаётгани, яъни унинг мурғак қалбида ниш ураётган завқ, иштиёқ ибтидоси, онгида тетапоя бўлаётган гўзаллик ҳақидаги тасаввури. Яна ҳам муҳимроғи эса – боланинг эркин фикр ва ҳаракатга қадам ташлаётганидир.

Хўш, ана шундай ҳолатда биз – тарбиячи, ўқитувчи ёки ота-оналар ўзимизнинг вазифамизни қандай тушунмоғимиз, бола хатти-ҳаракатларида қандай иштирок этишимиз керак? Биринчидан, биз бундай ижод жараёнида кузатувчи бўлганимиз маъқул. Чунки бола эркин хаёл оғушида бўлиб, унда ақл-идрок, рағбат айни мақсадга қаратилган бўлади, яъни у ҳали тўла-тўкис идрок эта олмаган бир шаклни қоғозга туширмоқчи. Бироқ бизнинг кузатувчилик вазифамиз оддий томошабинликдан фарқ қилиши лозим. Боладаги иқтидорнинг имкон даражасида юзага чиқишига туртки берадиган дўстона маслаҳатларимиз унга рағбат бағишлаб, ундаги иштиёқни, ҳавасни кучайтириши керак. Аммо зинҳор бу маслаҳатлар буйруқ, жеркиш ёки уни "йўлга солиб қўйиш"дан иборат бўлмаслиги даркор. Чунки бундай "қалтис" аралашув оқибатида боладаги эркин хаёлотни, мустақил ижодий шавқни сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас.

Бу билан нима демоқчимиз? Бугунги кунда таълим-тарбия тизимида изчил давом эттирилаётган ислоҳотлар бир пайтлар кўкак кўтариб мақталган "совет педагогикаси"даги қолоқ иллатни тобора бартараф этаётир. Чунончи, ўқитувчиларнинг синфда ўқувчилар устидан ҳукмронлиги, "айтганим-айтган, деганим-деган» қабилида иш тутиши, ўз ҳукмига барчани сўзсиз бўйсундиришдек ножоиз усули эндиликда ўзининг ярoқсизлигини кўрсатди. Бугунги ўқитувчи боланинг чинакам устози, тарбиячиси, ҳамкори ва таъбир жоиз бўлса, ҳамдарди, сирдошидир. Тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабат ҳар қандай тазйиқ, қўрқитиш, таҳдиддан холи бўлса, бу муносабат ошкоралик, ўзаро ҳурмат, тенглик ва самимият асосига қурилса – таълим-тарбияда жуда яхши самараларга эришиш шубҳасиздир. Энг муҳими, худди шундай шароит, муҳит ҳавосидагина болада эркин фикрлаш иқтидорини тарбиялашга имконият бўлади.

Эркин фикрлаш, фикр мустақиллиги ўз-ўзича ҳосил бўлиб қоладиган ҳолат ёки қобилият эмас. Бу ўқувчи учун ҳам, уни тарбиялаётган, унга таълим бераётган ўқитувчи учун ҳам машаққатли жараён. Бироқ қачонки, ҳар иккала томон ана шу машаққатнинг замиридаги завқни, илҳомни ва ҳузурни юракдан ҳис этиб интилишса, кутилган натижаларга эришиш яхши кечади.

Тарбия-таълим жараёнида ўқитувчи, аввало, ҳар бир ўқувчининг иқтидорини, қобилияти нималарга етишини, фикр юритиш кўламини, табиий-ақлий имкониятларини аниқ билмоғи керак. Шу жумладан, ўқувчиларнинг ҳар қайсисига хос бўлган одат-майллар, феъл-атворидаги хислатларни билиш ҳам талаб этилади. Дейлик, бир ўқувчи муҳокама этилаётган мавзуни яхши билади, бироқ тортинчоқлиги, уятчанлиги панд бериб, ўз мулоҳазаларини эркин ифодалай олмайди. Демак, унда журъат, дадиллик уйғотиш учун ўқитувчи томонидан озроқ рағбат, далда керак. Ўзича дадил, гапдон, муносабатга тез киришиб кетадиган бошқа бир ўқувчига эса билим етишмайди. Атрофдаги оламни, дарс ёки саволни идрок этишга ё эринади ёки яхши тушуниб етмайди. Бу ҳолда ҳам ўқитувчининг алоҳида ёндашуви талаб этилади. Ўқитувчи муайян ҳодиса ёхуд предметга хос хусусиятларни, уларни ўзаро боғлаб турган қонуниятларни пухта тушунтириб бериши ва айни пайтда ўқувчига мустақил равишда хулосалар чиқаришига имкон қолдириши керак.

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини шакллантиришда, уларнинг эркин фикр юритишга ўрганишларида адабиёт фанининг имкониятлари жуда катта. Масалан, улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи ҳақида ўқувчиларга керакли билим берилиб, зарур маълумотлар, ахборотлар етказилгач, дарс жараёнида, дарсдан ташқари машғулотлар пайтида уларнинг асар ва ундаги қаҳрамонлар борасида кузатишларини сўраш-суриштириш фойдадан холи бўлмайди. Хусусан, уларга: "Отабекка ҳавас қиласизми?", "Унинг касби, жамиятда тутган ўрни, мавқеи ҳақида қандай фикрдасиз?", "Бугунги кунда савдо билан шуғулланаётган кишилар орасида Отабекка ўхшаган диёнатли, кенг фикрлайдиган, миллатпарвар инсонларни учратганмисиз?" каби саволлар билан мурожаат қилинса, ўқувчи роман қаҳрамони тўғрисида ўзида ҳосил бўлган тасаввурни беихтиёр яшаб турган шароити, муҳити, атрофидаги одамларга қиёслайди. Ва шу тарзда беихтиёр асарни бугунги турмушга, одамларга боғлаб, муайян фикр-мулоҳазаларга келади. "Ўтган кунлар"даги бошқа етакчи образларнинг талқини борасида ҳам ўқувчилар билан шу зайлда мулоқот олиб борилса, уларни эркин мулоҳаза юритишга даъвад этилса, болаларнинг фикрлаш фаолияти ривожига самарали туртки берилган бўлади.

Адабиёт фанининг эркин фикрлашни ўстиришда афзаллигининг сўз бойлиги ортиши, мантиққа суяниб ўз фикрини баён этиш малакаси шаклланишида ҳам кўринади. Сўз бойлиги ошган ўқувчи эса ўз мулоҳазаларини эркин баён қилади. Айни шу хусусиятнинг ўқувчи учун психологик томони ҳам мавжуд: ўқувчи эркин фикрлаш билан бирга ўз иқтидорига, қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ўз нуқтаи назарини баён қила туриб, дарс-мавзуга янада чуқурроқ кириш имкониятларини ҳис этади. Энг муҳими, ўқувчи сиймосида эркин, инон-ихтиёри билан мулоҳаза юрита оладиган мустақил шахс шаклланади.

Дарсдан ташқари машғулотлар чоғида ўқувчилар эътиборини матбуот, телевидение ва радио орқали турли хил муносабат билан адабий меросимиз, ҳозирги замон ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти, ижоди тўғрисида, мумтоз асарларга бағишланган чиқишларга тортиш фойдадан холи бўлмайди. Чунки аллақандай ур-йиқит фильмларга сарфланаётган вақтини болалар маданий-маърифий кўрсатувларни кўришга бағишлашса ва бунга улар одатланса, миллий қадриятлар ҳақидаги ўқувчи тасаввури, унинг ўз Ватани маданияти, адабиёти тўғрисидаги фикри теранлашади. Пировард натижада бу ўқувчида ўз манфаатлари ва мақсадларига таянилган фикрлаш ҳамда ҳаракат қилиш имкониятларини очадики, мазкур қобилиятнинг ўзи эркинликни, мустақил фикрлашни рўёбга чиқаришнинг биринчи шартидир. Ана шундай қобилиятни ўзида шакллантирган бола ташқарида бўладиган ҳар қандай салбий таъсирга берилмайди, бундай вазиятларда ўз ҳукм-хулосаларига таянади. Қолаверса, ўқувчида ўз фикр-мулоҳазаларига масъуллик ҳисси тарбия топади. Бу эса эркин фикрлаш лаёқатидан кутилган асосий фазилатдир. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида: "ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган" шахсни тарбиялаш зарурлигини таъкидлаб ўтганди. Бундай шахсни камол топтириш эса, биринчи галда таълим-тарбия масканларида амалга ошириладиб, бу қутлуғ ва шарафли вазифа биз педогогларнинг зиммасига улкан маъсулият юклайди.

**Муҳаббат ИСАЕВА,**
**филология фанлари номзоди.**

## АЛИШЕР НАВОИЙ – МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСЧИСИ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида шеърият мулкининг султони, мутафаккир олим, тасаввуф дунёсининг буюк билимдони, мумтоз адабиётимизга, туркий халқлар тарихига сермаҳсул ижоди билан ҳисса қўшган шоир Алишер Навоий таваллуд айёмига 559 йил тўлиши муносабати билан адабий кеча бўлиб ўтди.

Адабий кечада Республикамизнинг барча вилоятларидан малака ошириш учун келган халқ таълими ходимлари, мактаб раҳбарлари ва бошланғич таълим ХТБ методистлари иштирок этишди. Кечада навоийшунос олим филология фанлари доктори, профессор А.Ҳожиаҳмедов, Республика маънавият маркази бўлим бошлиғи, шоира Т. Содиқова, "Ҳамза" театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ва институтда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар жамоаси қатнашдилар. Айниқса, кечанинг жонли, сермазмун, мушоҳадаларга бой ўтишида институтнинг "Ижтимоий фанлар" кафедраси ходимларининг ташаббуси ва ташкилотчилик маҳорати барчага ўрнак бўлди.

Адабий кечада Навоийнинг бой, сермаҳсул ижод намуналаридан, ғазал, рубоийларидан ўқилди ва олимлар томонидан шарҳлаб берилди. Қадим Турон элига аждодлар руҳи қайтиб келди. Ворислар маънавияти етуклик сари интилаётган бир паллада ҳазрат Навоий бобомизнинг илмий мероси, панд-насиҳат ва ўгитлари йўлимизни ёритгувчи йўлчи юлдуздир.

**Н.ЙЎЛДОШЕВА,**
**Г.УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**Авлоний номидаги ХТХМОМИ ходимлари**

* * *

## БОБУР ҒАЗАЛЛАРИ ЖАРАНГЛАДИ

Тошкент Давлат Юридик институтининг "Чет тиллари" кафедраси томонидан улуғ мутафаккир, шоҳ, шоир ва аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 517 йиллигига бағишлаб, кеча ўтказилди.

Кечани маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор муовини Д. Аҳмедов очиб, миллий маънавиятимиз асосчиларидан бири Бобур Мирзо ҳақида тўлқинланиб гапирди ва талабаларни ҳам шундай буюк аждодларига муносиб ворис бўлишга чақирди.

Шундан сўнг бобуршунос олим К. Рафиқов сўзга чиқиб, шоир ижодининг чет эллардаги аҳамияти хусусида сўзлаб, жумладан, шундай деди:

— Биргина "Бобурнома" асарининг ўзи шу вақтгача инглиз тилига 5 марта, француз тилига 2 марта ва немис тилига 1 марта таржима қилинган. Ҳозиргача ҳеч бир асар бунчалик Европа таржимонлари ва олимларининг эътиборини ўзига жалб этмаган.

Профессор Т.Сатторовнинг "Бобурнинг давлат бошқарувидаги фаолияти — адолатли шоҳ" мавзуидаги маърузаси ҳам йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг талабалар томонидан Бобур ғазаллари ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тилларида жаранглади. Ёзувчи Хайриддин Султоновнинг "Саодат соҳили" асаридан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Д. ДАВЛАТОВА**

**... akademik litsey + oliy o'quv yurti**

# ТАЪЛИМДА УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели асосида узлуксиз таълим ётади. Узлуксиз таълим малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Умумий ўрта таълим негизида уч йил бўлган мажбурий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Унда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади. Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ, ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятларини ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган касбга йўналтирилган таълим олишни таъминлайди. Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиши ва бошқа) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар.

Кейинги йилларда республикамизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш жараёнида жуда кўп ишлар олиб борилмоқда. Энг асосий ўрин илмга қаратилган. Бу эса янги-янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар яратишни талаб қилмоқда.

Жаҳон андозаларига мос дастур ва дарсликлар яратиш, ёшларимизни юксак маънавиятли, чуқур билимли, ватанпарвар, кенг мушоҳадали, буюк давлатни барпо этиш йўлида ижодкор ва фаол қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир. Шунинг учун ҳам академик лицейларга ёзилган дастурлар ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимда олган билимларини чуқурлаштиришга, шу ихтисослик бўйича кенг билим беришга, ёшларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилмоғи лозим.

Ўқув дастури тушунчаси ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этадиган, ўқувчиларнинг амалий фаолиятига мос тушадиган мазмунни белгиловчи меъёрий ҳужжатдир.

У ўзида инсоният томонидан эришилган ютуқларни, тажрибаларни жамлаб, таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш учун мўлжалланган, қисқартирилган ва ихтисослаштирилган қайд этиш воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ходимлари томонидан академик лицейларнинг қуйидаги меъёрий ҳужжатлари яратилди:

— академик лицейлар учун аниқ, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, иқтисодиёт, хорижий филология каби 5 та йўналиш бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС);

— академик лицейларда ушбу 5 та йўналиш бўйича 12 та намунавий ўқув режалари тайёрланиб, тасдиқланди ҳамда умумтаълим фанлари бўйича 22 та, шахсни ривожлантириш фанлари бўйича 5 та, чуқурлаштирилган фанлар бўйича 78 та тажрибавий ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Жами 105 та ўқув дастурлари тайёрланиб, чоп этилди.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар республикамиздаги барча академик лицейларга тарқатилди.

Академик лицейлар ўрта умумий таълимнинг бевосита давоми бўлгани учун академик лицейдаги ўтиладиган умумий таълим фанлари ўқувчиларнинг илгари олган билимларини чуқурлаштириш, абстракт ва мантиқий фикрлашини ўстириш ва фаннинг кейинги бўлимларини ўзлаштиришдан, узлуксизликни таъминлашдан иборат.

Дастурлар босқичли, кетма-кетлик тамойилига амал қилади. Уни тузишда ўрта умумий таълимда амалда бўлган дастурларида берилган таълим мазмуни ва шакл эътиборга олиниб, шу асосида ўрта умумий таълим билан ўрта махсус таълимнинг узвийлиги таъминланади.

Академик лицейларда таълим дастурлари йўналишлар бўйича чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган билим беришга, ўқувчиларни ўзлари танлаб олган таълим йўналишлари бўйича муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга йўналтиришга хизмат қилади.

Узвийликни ҳар хил тушунадилар. Айримлар уни ўқув жараёнида фанлар орасидаги боғлиқлик деб ўйласа (яъни физика ва математика, математика ва чизмачилик, 9-синф математикаси ва 10-синф математикаси ва ҳ.к.), бошқалар олдин олинган билимларнинг фаннинг кейинги бўлимларини ўзлаштиришга сарфланиши, яна бирлари ўқувчиларни бир курсдан иккинчи курсга ўтиши учун қўйилган бир хил, ўзгармас талаб деб тушунишади. Барча ҳолларда узвийлик қандайдир боғлиқликни билдиради.

Изоҳли луғатда эса бу сўз ривожланиш жараёнидаги ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, дея тушунтирилади. Бунда янгилик эскиликнинг айрим унсурларини ўзида қолдириб ўрнини олади. Узвийлик диалектиканинг бир кўриниши бўлиб, сон ва сифат ўзгаришига олиб келади. Узвийлик муаммосини чуқур тушуниш методик тадқиқотда жиддий восита вазифасини ўтайди.

Узвийлик кўп қиррали таълим ва тарбия жараёнини тадқиқот қилиш ва бошқаришни таъминлайди ва фаннинг мақсадини рўёбга оширишга имконият яратади.

Ҳар бир ўқув фани дастури ўқитишга лойиқ бўлиши учун, унда қуйидаги учта саволга жавоб бўлиши лозим:

1.Нима учун ўқитиш керак?
2.Нимага ўқитиш керак?
3.Қандай ўқитиш керак?

Узвий боғлиқлик муаммоларини ечиш масаласи ўқув фанлариаро ва бир ўқув фанининг боғлиқлик ҳолати ва имкониятларини аниқлашга қаратилгандир.

Таълимнинг узвийлиги умумпедагогик принцип бўлиб, ўқув жараёнининг узвий таълим мазмунини, ўқув ишларининг шакли ва усулларини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барча йўналишларида ўқувчиларга бир хил умумтаълим билимлари асосларини ўргатиш каби томонларини ўз ичига олади. Узвийлик таъминланмаганлиги натижасида айрим таълим бўғинларида ўзлаштириш кескин пасайиб кетиши мумкин.

Академик лицей ўқувчиси, бирор-бир олий ўқув юрти талабаси бўлса, у ўзини бошқа бир таълим муҳитига тушганини ҳис этиб, бу таълим тизими олдингисидан мазмуни, усуллари, ўқув материалларининг кескин фарқланиши, талабнинг ортиши, иш тартибининг, ўқувчилар жамоасининг ўзгариши ва шу каби бошқа ўзига хосликларга дуч келиб, билим олишда катта қийинчиликларга дуч келишади.

Биз математика фани дастурлари мисолида академик лицей ва олий ўқув юртидаги математика фани дастурлари ўртасидаги узвийликни кўрсатамиз.

Математикани ўқитишдаги узвийлик олий ўқув юртидаги ва академик лицейдаги билимларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Аниқ фанлар йўналиши бўйича чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фан дастурларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, математика фани бўлимлари: алгебра, геометрия, функция ва графиклар, қизиқарли математика ва олимпиада масалалари ўқув дастурларининг мақсади ўқувчиларнинг математикага бўлган қизиқишларини чуқурлаштириш, иқтидорини ўстириш, илмга интилиш туйғусини тарбиялашга қаратилган.

Ўқувчиларнинг академик лицейда ўзлаштирган математик билимлари, олий ўқув юртида ўтиладиган математик фанлар: математик анализ, алгебра ва сонлар назарияси, аналитик геометрия ва бошқаларда давом эттирилади. Бу фанлар асосида лицейда ўрганилган математик терминлар, амаллар ва усуллар ётади. Масалан, академик лицей математика курсида ўрганилган функция, тенглама, тенгсизлик, вектор ва бошқа тушунчалар, олий ўқув юртида ўтиладиган математика фанларида ҳам ишлатилади. Академик лицей ўқувчилари ўрта мактабда ўрганган функциянинг бир неча турларини, яъни элементар функциялар, трансцендент функцияларни ўрганадилар, Олий ўқув юртларида эса функцияларни тўла текшириш, дифференциаллаш, интеграллаш ва комплекс ўзгарувчан функциялар фанлари орқали узвий давом эттирилади.

Бир неча номаълум тенглама ва тенгсизликларни ва уларнинг системаларини ечиш академик лицейда математика фанида ўрганилса, уларнинг узвий давоми бўлган дифференциал тенгламалар, математик физика тенгламалари, интеграл тенгламалар номли фанлар олий ўқув юртида ўқитилади.

Табиий фанлар йўналишида география, математика, физика ва кимё фанлари чуқурлаштириб ўргатиладиган йўналишда география фанининг махсус фанлари — картография ва топография асослари, топонимика, геоэкология асослари ва табиатдан фойдаланиш фанлари олий таълимдаги шу мутахассислик бўйича худди шу фанлар: топонимика, картография, геодезия асослари ва топография, экология асослари ва табиат муҳофазаси фанлари мантиқан давом эттирилади.

Фикримизча, олий ўқув юртида ўтиладиган географиянинг махсус фанларидан кўпгина қисми академик лицей география дастурига киритилган, бу эса академик лицейнинг география фани чуқур ўргатиладиган йўналишни битириб, олий ўқув юртларининг "География" мутахассислиги бўйича ўқийдиган ўқувчилар учун такрорлаш бўлади. Яна бу дастурлар ҳозирги кунда бутун республикамиз бўйича тажриба-синов майдончаларида муҳокама этилиб, синовдан ўтмоқда. Шу синов натижалари, тажриба-синов илмий методик Кенгаш қарорлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мониторинг бўлими хулосалари ўқув дастурларининг камчилик ва ютуқларини очиб беради, деган умиддамиз.

**Қ.АБДУЛЛАЕВ,**
**физика-математика фанлари номзоди, доцент**



*Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 13-мактабда 1-"Б" синф ўқувчилари иштирокида "Саводхонлик байрами" бўлиб ўтди. Байрамда 1-"Б" синф муаллимаси Гўзал Ҳусаинова (суратда) раҳбарлигида тайёрланган қизиқарли саҳна кўринишлари йиғилганларга манзур бўлди.*

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат.**

**Sessiyadan so'ng**

## ЖАМИЯТ ВА ЯНГИЧА ТАФАККУР

Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Олий Педагогика институтида сессия материаллари синчиклаб ўрганилмоқда. Маънавий жиҳатдан мукаммал бўлган инсонни тарбиялаш, таълимни юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқарадиган асарлар,илмий-услубий китоблар, дастурлар яратиш ОПИнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Институтга келган тингловчилар ўз малакаларини ошириш билан бирга ўқув-услубий ишларни бажарадилар, конференция ва семинарларда фаол қатнашадилар. Масалан, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз" мавзуидаги нутқига бағишланган илмий-услубий семинарда профессор Л. Собиров (СамДУ), доцент М. Баҳодирхонов (ТИимсх), ўқитувчи З. Солиева ва бошқалар қизиқарли маърузалар билан чиқишди.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар Сирдарё, Самарқанд вилоятларидаги олий ўқув юрти устоз-мураббийлари билан ҳам давра суҳбати ўтказишди.

Биз шу пайтгача диалектикани тараққиёт жараёнини ифодалайдиган бирдан-бир йўл ёки восита деб қараб келганмиз. У маълум бир тафаккур услубига асосланади. Энди-чи? Ўзингиз атрофни бир синчиклаб кузатинг: ҳар бир фаолиятда, тараққиёт босқичларида, кузатилаётган, текширилаётган объектда мураккабликлар жуда кўп. Уларни эндиликда фақат диалектиканинг қонун, қоида ва категориялари орқали ифодалаш қийин. Бунинг учун янгича тафаккурни шакллантирадиган тушунчалар тизимини, тамойилларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Масалан, барқарорлик ва беқарорлик, эволюция ва коэволюция, чизиқли ва ночизиқли, ташкил бўлиш ва ўзидан ташкил бўлиш, тартиблилик ва тартибсизлик... Шунинг учун баъзи олимларимизнинг бу йўлдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш керак. Янгича фикрлаш усулига асосланган тафаккур табиат ва жамият ҳодисаларини тушунтиришга асосланади. Буни ҳисобга олмасдан туриб, биз ўз қарашларимиздаги камчиликларни йўқота олмаймиз. Мустақиллик, бунёдкорлик томон қадам ташлаётган жамиятимизнинг эртанги кунини янги тамойиллар, усуллар ривожи орқалигина кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Президентимиз: "Энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди" деганида тамоман ҳақлидирлар.

**Ш. ШАРОПОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институти директори, профессор**
**Ў. ҲАЙДАРОВ,**
**профессор**

**Jurnallarning yangi sonlarida**

# "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН"




Журнал ўз анъаналарини давом эттириб, бу гал ҳам бир қатор қизиқарли мақолаларни эълон қилган.

Мамлакатимизда таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Таълимнинг барча масалаларига энг юксак мезонлар асосида ёндашилмоқда. Мана шу муҳитда, ҳар жиҳатдан мукаммал дарсликлар яратиш вазифаси умумдавлат, умумхалқ, умуммиллат диққат-эътиборида турибди. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак". Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджоновнинг "Таълим дарсликдан бошланади" номли мақоласи бугунги кунда чоп этилган дарсликлар, дарслик яратишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, университетлар, илмий тадқиқот институтлари ҳамда қатор хорижий мамлакатлар билан ўрнатилган алоқалар ҳақида ўқувчиларга ахборот беради.

Жорий йилни "Соғлом авлод йили" дедик. Шубҳасиз, ҳар бир қилаётган ишимиз, ҳар бир гапираётган гапимиз албатта авлоднинг етук бўлишига қаратилади. "Оила муқаддас ватан" мақоласи муаллифи, психология фанлари номзоди Н. Мажидов оилада бола тарбияси, тарбияда оиланинг ўрни ҳақида жуда яхши фикрлар билдиради. "Қилиқ эксанг — одат ўрасан, одат эксанг — характер ўрасан, характер эксанг — тақдир ўрасан". Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда тарбиялайман, деб ўйламанг, дейди муаллиф. Турсун Али Муҳаммаднинг "Ҳаёт сабоқлари" ҳам ўқувчилар кўнглига етиб боради. "Саломатлик кафолати — энг асосий талаб" мақоласида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ёш авлод саломатлиги, уларнинг келажаги учун масъулият ҳис қилишлари айтилган. Журналнинг Ибн Сино дарсхонаси рукнида берилган "Мўмиё" мақоласида мўмиёнинг турли фойдали хусусиятлари, халқ табобатида ундан фойдаланиш ҳақида гапирилган.

Журнал ўқувчиларга яна бир қатор қизиқарли маълумотларни ҳам тақдим этган.

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

**Fanimiz fidoiylari**

# ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ ИБРАТИ

*Камтарин, камсухан бу инсоннинг таржимаи ҳоли кўп қатори. Аммо Ватани, халқи учун қилган хизматлари ўсиб келаётган ёш авлоднинг меросига айланиб қолади.*

*Устоз олим, профессор, биология фанлари доктори Талъат Соатов Тошкент Давлат тиббиёт институтини, сўнгра ЎзФА Ўлка тиббиёт институти аспирантурасида ўқишни, изланишни давом эттирди.*

*Фан номзоди бўлгандан сўнг, олим истеъдодининг ўзига хос қирралари намоён бўла бошлади. Биокимёни чуқурроқ ўрганиш ва бу уммон бағрида очилмай ётган дуру ганжиналардан, гавҳарлардан бошқаларни ҳам баҳраманд этиш мақсадида биокимёгар олим 1974 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.*

*Бу диссертация ҳам Халқаро биокимёгарлар орасида ўзининг долзарблиги билан юқори баҳоланди. Профессор Т.Соатов кашф этган Органотропик липосомалар олиш ва уларни нишон органларга бевосита йўналтириш услуби жаҳон олимлари ҳамжамияти томонидан тан олинди.*

*Талъат аканинг фанга қизиқиши, раҳбарларга хос истеъдоди, ташкилотчилиги, ҳалол-поклигининг таъсириданми, 1975 йилдан лаборатория мудири, 1979 йилдан бошлаб эса институт директори лавозимига тайинланди. Унинг ташкилотчилик фаолияти ҳамда биология ва тиббиёт фанининг равнақига қўшган катта ҳиссаси инобатга олиниб, профессор олим 1985 йили циклик нуклеотидларга бағишланган туркум ишлари учун Беруний номидаги Давлат мукофотига муносиб топилди. Олим Англия, АҚШ, Бельгия, Венгрия, Германия, Голландия, Туркия, Чехословакия, Хитой, Япония, Россия ва бошқа кўплаб хорижий давлатларда ташкил қилинган 50 дан ортиқ нуфузли халқаро анжуманларда илмий маърузалар билан иштирок этиб, жаҳон олимларини мустақил Ўзбекистон биохимия фани ютуқлари билан таништиришда салмоқли ҳисса қўшди. У 5 монография, 15 ихтиро ва 280 дан ортиқ илмий асарлар муаллифи бўлиб, 200 дан ортиқ илмий ишлари чет элларда нашр қилинган. Олим 6 нафар фан доктори ва 20 нафардан ортиқ фан номзодларини тайёрлаган.*

*Заҳматкаш олим Талъат Соатовнинг институт директори сифатида бугунги кундаги фаолияти ҳам ибратлидир. Олиб борилаётган илмий изланишлар асосан республика ва чет эл илмий марказлари тадқиқотлари билан ҳамкорликда мувофиқлаштириш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган.*

**Насриддин БОТИР**

« — Болаларимга ҳар қандай ишда, ҳатто касб танлашларида ҳам маслаҳат беришдан кўра ёрдам беришни афзал кўраман».



# БУЗҒУНЧИ КИМСАЛАРГА

**(1999 йил 16 февраль воқеаларини эслаб...)**

***Одам борки — одамларнинг нақшидур,***
***Одам борки — ҳайвон ундан яхшидур.***

**Алишер Навоий**

*Сени ким келтирган ёруғ жаҳонга:*
*Одам боласими ёки махлуқот?*
*Асло ўхшамайсан бани инсонга,*
*Бутун қилмишингдан эл чекар фарёд!*

*Не учун туғилдинг одам шаклида?*
*Мақсадинг не эрур зиёнкорликдан?*
*Сен мутлақ бегона инсон наслига*
*Ўтгайсан қутурган итдай хорликда!*

*Шум қадам, шўртумшуқ, нияти ёмон,*
*Не сабаб булғайсан тоза ҳавони!*
*Сендан ҳазар қилар курраи замин,*
*Не учун истайсан жабру жафони?!*

*Мен сени ўхшатдим илон-чаёнга —*
*Ёшларни заҳарлаш эрур касб-коринг.*
*Қора доғ туширдинг қутлуғ иймонга,*
*Умринг поён топгай — узилгай торинг!..*

*Қаҳру ғазаб ўти сени қўймагай,*
*Шаҳидларнинг руҳи сокин турмагай,*
*Сен қилган даъватга ҳеч ким юрмагай,*
*Ноҳақ қон тўкканлар даврон сурмагай.*

*Ёвуз ишларингдан қародур юзинг,*
*Охир тешиб чиққай еб-ичган тузинг!*
*Қилмиш-қидирмишдир — бу халқнинг сўзи,*
*Қазиган қабрингга тушгайсан ўзинг!*

**Абдуманноб АБДУҒАНИ ўғли,**
**педагогика фанлари номзоди, Халқ таълими аълочиси**

# КУЧЛИЛАРГИНА ЭМАС, ЧИНАКАМ ҒОЛИБЛАР ТАН ОЛИНАДИ



*Болалигимдан отамнинг бир ўгити онгимга ўрнашиб қолган: "Ҳаёт барчага бир маромда сабоқ бериб бораверади, лекин ундан нимани ўрганиш ўзингга боғлиқ. Ҳар ҳолда бугун шундай нарсани ўрганиб, билиб олгинки, у эртага рўпарангдан чиқиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишингда асос бўлсин".*

*Бу талабни оддийгина ифодаласак — келажагингни кўра бил. Одам қандай қилиб ўз келажагини кўра олиши мумкин? Бу саволга жавоб беришдан олдин қуйидаги фикрни ҳукмингизга ҳавола этсак: " — Болаларимга ҳар қандай ишда, ҳатто касб танлашларида ҳам маслаҳат беришдан кўра ёрдам беришни афзал кўраман. Албатта, бу билан она сифатида маслаҳатларимни ўз боламдан дариғ тутаман, демоқчи эмасман. Агар у қандайдир ишга қўл урса, гарчи тажрибамдан шу иш натижасини билсам-да, уни бундан воқиф этмайман. Аксинча, ўша натижага тезроқ ва осонроқ эришишига кўмаклашаман. Менимча, бу ҳам тарбиянинг бир усули. Бунда боладаги интилиш сўнмайди, ўз олдига муайян мақсад қўя олади. Қилган ишидан мукаммалроқ хулоса чиқара билади. Бора-бора қандай иш қилса ёки йўл тутса, қанақа натижага эришишини олдиндан кўра оладиган бўлади. Чунки тажриба дегани тенгсиз муаллим. Ҳаётда бу муаллимга кўпроқ эътибор берган маъқул. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай замонда ҳам янги етишиб келаётган авлод ҳаётга, атроф-оламга янгича нигоҳ билан боқади. Катта ёшдагилар бунга имкон бериши керак. Акс ҳолда ижтимоий ҳаётда ўсиш, ривожланиш сусаяди...".*

Бу бир ўзбек аёлининг, тўғрироғи, юртимиз байроғини баландларга кўтариб, спортда жаҳон чемпиони бўлган Севара исмли ўқувчи қизнинг онаси — Ҳафиза опа Ҳамидованинг фикри эди. Ҳа, Севара Қодирова ўқувчилик давридаёқ жаҳонга чиқа олган қиз. Стол тенниси бўйича Швециянинг Карлсбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби сифатида шоҳсупага кўтарилганида, Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз энг баландда ҳилпираганида қувонч ёшларини тўхтата олмаган қиз. Бу воқеа ўтган йили бўлган. Орадан бирмунча фурсат ўтган бўлса-да, Севарани "Маърифат" мухлислари номидан йўқлаб, Наманган вилоятининг Чуст шаҳрига бордик. У билан суҳбатлашдик:

*— Таассуротларим, ҳаяжонларим бир дунё, — дея гап бошлади чемпион қиз. — Муҳими бу эмас. Аввало бу муваффақият истиқлол берган имкон. Шуни ишонч билан айтаманки, менинг миллатимда истеъдодларни кашф этиш учун кўп нарса талаб этилмайди. Истеъдодларга ўзини намоён этишлари учун имкон бериш кифоя. Бундай имконнинг берилишини кутиб ўтирмасликка кўп ҳолларда андиша деган нарса йўл бермайди. Ростини айтсам, стол тенниси менинг севган машғулотим. Бу машғулот менга яхши кайфият, жисмоний ҳамда руҳий қувват бахш этади. Теннисдаги натижаларимга келсак, бу жуда ҳам оддий, лекин кўпчилик эътибор бермайдиган ҳолат. Менинг ўрнимда бошқаси ҳам бўлиши мумкин эди. Демоқчиманки, имконият, қобилият ҳаммада бор. Фақат уни рўёбга чиқариш учун одам ўзида куч топа олиши керак. Бир нарсага эришиш учун баъзан бошқа бир нарсадан воз кечишга тўғри келади. Бундай ҳолларда шу иккисидан муҳимини танлай олиш зарур. Бу жараёнда ҳар қандай яхши-ёмон билдирилаётган муносабатлардан ўзингга мадад ола билишинг лозим. Нафақат спортда, балки ҳар қандай соҳада ҳам кучлилар эмас, ғолиблар тан олинади. Тан олиниш учун ғолиб чиқишга бўлган ишонч бош омил. Албатта, мен бу фикрларимни амалда кўрсата олганимдан мамнунман. Кўпчилик дугоналарим менга ҳавас қилишларини яширишмайди. Шундай бўлса-да, мен ўз ҳаётимни фақат теннис билангина тасаввур этмайман. Юқорида айтиб ўтганимдек, бу севган машғулотим, холос. Ўзимга касб сифатида ҳуқуқшуносликни танлаганман. Сабаби, бу борада ўз қобилиятимни кўрсата олишимга, муносиб ҳуқуқшунос бўлишимга ишонаман. Ва шу йўлда тинимсиз ўқиб-ўрганишга, билимларимни жамлаб, ўзимга ақлий куч сифатида сингдириб боришга киришганман. Ҳар қандай жамиятда халқ ва ҳокимиятнинг, фуқароларнинг ўзаро муносабатлари мавжуд. Менинг назаримда, бу муносабатларни холис баҳолаш, адолат тарозиси қандай ишлаётгани сиз — журналистларнинг эътиборида. Ана ўша тарози ўз мувозанатини йўқотса, қайсидир бир тараф азият чекади. Мувозанатни сақлаш кўп жиҳатдан ҳуқуқшуносларга боғлиқ бўлади. Демак, масъулият, чуқур билим, теран мушоҳада талаб этилади бунинг учун. Агар ана шу хислатларга эга бўлсанг, сен ҳаммага кераксан. Кимгадир керак бўлиш менга куч-қувват бағишлайди. Ортиқча эмаслигимни билиб яшагим келади. Мен фақат шундан таскин топаман...*

*Чемпион билан суҳбатдан*

## Faxr

*сўнг унинг мураббийлари Музаффар Насриддинов ва Муҳаммаджон Ҳамидовлар ҳам ундаги шижоату матонатни таърифлаб бердилар. Ҳар қандай ўсиш, ривожланиш рағбат билан мустаҳкамланади. Шу боис ҳам Севарага Наманган вилоят ҳокимлиги "Tico" русумли автомашина ҳадя этди. Халқ таълими вазирлигининг совғалари, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг махсус қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.*

— Энди унга нафақат ҳавас қиладиганлар, балки эргашадиганлар ҳам кўпайди, — деди вилоят "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти раиси муовини Илҳомжон Мўминов. — Бу йилги республика биринчилигида Севаранинг синглиси Саида ҳам муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади. Умуман, халқ таълими тизимида кечаётган чуқур ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Аввало, авлоднинг соғлом бўлиши, қолаверса, бўш вақт деган жумла ўрнига фойдали машғулотлар билан банд бўлиш, ниҳоят, имкониятларни амалда кўрсатиш, жаҳонга чиқишнинг болаликданоқ бошланиши буюк келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳа, спорт таълим-тарбиянинг ажралмас қисмига айланиб бораётгани қувонарли, албатта. Бу борадаги фикрларни мухтасар қилиб, мақоламиз бошида жавобсиз қолдирган саволимиз атрофида тор бўлса-да, мушоҳада юритсак. Қандай қилиб одам ўз келажагини кўра олиши мумкин? Гап шундаки, бутун мавжудот ичида фақат инсонгагина онг ато этилганлиги унинг ўз келажагини тасаввур этиш имконини беради. У маълум маънода ўз келажагини яратишга қодир. Эртанги кунини бунёд этишда иштирок этмаслик, яъни ҳаракатсизлик нотўғри ҳаракатдан-да зарарлироқ бўлиши мумин. Чунки бундай одам эртаси ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмайди. У шу куни ҳаётдан ортда қолишни бошлайди. Демак, у эртага кимнингдир ёрдамига муҳтожлик сезади. Ёрдамга узанган қўллар ҳамиша ҳам саҳий бўлавермаслигини англаб етганда, баъзан кеч бўлади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўз эртасини кўра олиш учун уни яратиш керак, ярата олиш керак. Бунинг учун инсонда тенгсиз восита — ақл бор. Чемпион қиз: имконият, қобилият ҳаммада бор, уни рўёбга чиқариш учун одам ўзида куч топа олиши керак деганда, саволимизга жавоб бериб қўйгандек туюлди. Яъни эртани ақл кўзи билан кўриш мумкин. Ҳар ким ўзида ўша куч борлигини ҳис қила олиши, курашиб, интилиб яшаши зарур. Кучлилар эмас, ғолиблар тан олинганидек, мағлубларгина эмас, курашмаганлар ҳам тан олинмайдилар.

**Фахриддин КАРИМОВ**

## Sport maydonchasi

### ЕВРО — 2000 ҲАКАМЛАРИ

**Европа қитъасининг энг яхши ҳакамлари УЕФА томонидан эътироф этилди. 30 нафар арбитр орасида австриялик Т. Бенко, англиялик Г. Барбер, белгиялик М. Пиро каби дунёга машҳур кишилар бўлиб, улар Евро-2000 мусобақаларида майдонни "бошқарадилар".**

### ЙЎЛЛАНМА БРАЗИЛИЯЛИКЛАРДА

**Сидней олимпиадаси учун Жанубий Америкадаги саралаш баҳсларида Бразилия-Аргентина футбол юлдузлари ўзаро куч синашди. Бу ҳол олдиндан башорат қилинган бўлса-да, бразилияликларнинг 4:2 ҳисобида ғалаба қозониши кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаган эди.**

### ЭЪТИҚОДИНИ ЎЗГАРТИРДИ

**Франция футбол терма жамоасининг истеъдодли ҳужумчиси Анелька ўтган ҳафта Ислом динини қабул қилди. Унинг айтишича, бу унга терс ўгирилиб олган тақдир қийинчиликларини енгишда ёрдам беради. Ўзига Билол исмини олган футболчи қилган ишидан таскин топа бошлаганини билдирмоқда.**

### XXII КУБОК КАМЕРУНДА

**Африка биринчилиги ниҳоясига етиши билан биргаликда кўплаб рақамларни ҳам алмаштиришга тўғри келди. Масалан, бу йилги чемпион — Камерун жамоаси финалда Нигерия чарм тўп усталарига учинчи бор рўбарў келиб, учинчи бор ғалаба қозонди — 3:4.**

### "КАУСТИК" — КУБОК СОҲИБИ

**Астраханда ўтказилган губернатор кубоги учун беллашувларда "Каустик" гандболчиларига тенг келадигани топилмади. Волгоградлик спортчилар белоруссиялик "СКА" клубини орада анчагина фарқ билан иккинчи ўринни эгаллашга мажбур қилди.**

## Xullas...

### ЯСАМА ДОЛЛАР БИЛАН...

Ҳақиқий доллар билан ясамаси ўртасидаги фарқни оддий одамлар сезмаслиги мумкин. Аммо фирибгарларнинг кавушини тўғрилаб қўювчи орган ходимлари бор. Грузия республикасининг Кабулет тумани ҳудудидаги Чаква посёлкаси фуқароси Ревоз Кекелидзе сохта долларни мижозларга пуллаётган пайтда милиция ходимларига шубҳалироқ кўринди. Тахмин тўғри чиқди, Кекелидзедан топилган 1 миллион долларнинг ҳаммаси ясама бўлиб чиқди. 50 ёшга борганда ҳам ўз йўлини топа олмаган Кекелидзе энди панжара ортида оҳвоҳ қилиб ўтирибди.

### ЧЎЧҚА БОҚҚАН ЎҚУВЧИЛАР

Ворсихин деган жойдаги мактаблардан бирида рўзғоршунослик дарси жорий қилинган. Тажжубланманг, болани ҳаётга тайёрлашда таълимдан ташқари машғулотлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Мактаб ўқувчилари ҳар кунги бўш вақтларини чўчқа, сигир, от боқиш билан ўтказишяпти. Фермада бўлиш уларга хўжалик юритишнинг бутун сир-асрорларини эгаллашга имкон яратмоқда. Муҳими бу эмас, болалар ўзлари боқаётган ҳайвон гўшти солиб пиширилган таом билан ҳам тушлик қилишади.

### МИШ — МИШЛАРГА ИШОНИБ...

Қозон шаҳрида қиш бошланмасдан илгари 700 тонна ёғ заҳирага олиб қўйилган эди. Ўшанда бу маҳсулотга нисбатан эҳтиёж юқори бўлгани боис маҳаллий савдо идораси тегишли вазирликка мурожаат қилиб, керагидан зиёд ёғни келтирган, маълум даражада бундан фойда кўришни мўлжаллаган эди. Аммо кутилмаганда харидорлар ёғ харид қилиш ўрнига пишлоққа ружу қўйишди. Фойда ўрнига зарар бўладиганга ўхшайди. Нарх ошиб кетиши ҳақидаги миш-мишлар ўзини оқламади. Ҳар нарсанинг ози соз-да...

### КОНФЕТ ЎРНИГА... ПИЧАН

Нижегород вилояти ҳудудидаги туманлардан бирида икки йилдан буён берилмаётган болалар нафақаси бекор қилинди. Пул йўқ, унинг ўрнига ўтин, пичан, похол бор! Хоҳлаганлар от гўнгини олиши ҳам мумкин. Қизиғи шундаки, кўпчилик от гўнгини танлади. Нимага деганда, уни дала ҳовлиси борлар бажонидил сотиб олишади. Аммо ҳали баҳорга анча бор. Оила эҳтиёжининг нақадар катта эканлиги маълум. Оёқ кийим, ўқув қуроли, сир эмаски, гўшт, сут, ширинлик ҳам керак. Ота-оналар уюмуюм пичан ва маҳаллий ўғитни қай тарзда пулга айлантиришни билмай гаранг...

ana shunaqa gaplar...

## QUTLOV



*Ҳурматли ҳамкасбимиз Баҳодир БОЛТАЕВ!*

*Сизни 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан кутлаймиз. ХТВнинг Республика таълим марказида Информатика ва ахборот бўлими бошлиғи сифатида олиб бораётган масъулиятли ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз. Бевосита сизнинг фаол ташкилотчилигингиз натижасида информатика фанидан 8-11-синфлар учун дарслик ва қўлланмалар тайёрланди. Республика мактабларида ИҲТА фанини ўқитишга эътибор кучайтирилди.*

*Халқ таълими аълочиси, янгиликка интилувчи услубчи олим сифатида Сизни ҳамиша қадрлаймиз ва соғлик-саломатлик тилаймиз.*

**Республика таълим маркази жамоаси**

* * *

**Муҳтарам ҳамкасбимиз Баҳодир БОЛТАЕВ!**

*Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин дилдан кутлаймиз! Илмий ва педагогик ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Сизга, оила аъзоларингизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, омад, ишларингизда самара, янги ютуқлар тилакдошимиз.*

**Хоразм вилоятидаги бир гуруҳ математика ва информатика фани ўқитувчилари.**

## Tajriba – sinov maydonchalarida

# ЯНГИЧА СИНОВ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

*Бошланган ҳар қандай муҳим иш маромига яқинлашган сари жиддийлашаверади. Чунки вақтнинг оз қолаётганлиги кўзга ташланаётган камчиликларни зудлик билан бартараф этишга, ютуқларни эса барча ҳамкасблар билан ўртоқлашишга шоширади.*

*Яқинда Бухоро шаҳрида "Болаларни ривожлантириш ва мактабгача тайёрлаш" таянч синов дастури бўйича ўтказилаётган тажриба-синов жараёнида вужудга келган муаммоларни аниқлаш, услубий ёрдам бериш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида тажриба-синов майдончаларида олиб борилаётган ишларнинг II чорак якунларига бағишланган минтақавий анжуман бўлиб ўтди.*

*Ушбу анжуманда Республика таълим маркази мактабгача таълим маркази ходимлари, тажриба-синов ишларини олиб бораётган амалиётчилар, илмий раҳбарлар ва ВПХМОИларининг мактабгача таълим бўлим бошлиқлари иштирок этдилар.*

*"Шахс туғилмайди, шахс шаклланади". Бу сўзлар анжуман шиори бўлиб янгради. Ҳар бир анжуман қатнашчилари буни чуқур ҳис қилган ҳолда шу вақт ичида дастур бўйича қандай натижаларга эришганликлари ҳақида сўзладилар ва келгусидаги режалари ҳақида келишиб олдилар.*

*Самарқанд шаҳридаги 81-сонли, Нарпай туманидаги "Наргиз" номли болалар боғчаларининг мудиралари дастур бўйича олиб борилаётган синов натижаларини тўлиқ таҳлил қилиб бердилар. Сўнгра, Самарқанд вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти мактабгача таълим бўлими мудири Марзия Абдуллаева Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган барча синов майдонларида болалар билан олиб борилган ишларнинг натижаларини диагностик таҳлил қилиб берди.*

*Бундан ташқари, анжуман қатнашчилари бу дастур бўйича нафақат тарбиячилар, балки ота-оналар билан ҳам синов ишлари олиб боришаётгани ва уларга доимий равишда ёрдам бериб бораётганликлари ҳақида қайд қилиб ўтдилар.*

*Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларидан келган вакиллар ўртасидаги қизғин баҳс-мунозаралардан шу нарса маълум бўлдики, бу борада кутилган натижаларга эришилмоқда.*

*Таълим ислоҳотларининг муҳим вазифасини бажараётган ушбу мактабгача таълим муассасаларда бутун амалга оширалаётган ишлар сифатига жуда кўп нарса боғлиқ. Яъни, бу ерда келажакда болаларнинг қандай таълим-тарбия олишларининг тақдири ҳал бўлаяпти.*

*Гарчи тажриба-синов ишларини якунлашга оз қолган бўлса-да, уни чуқур ўрганиб, таклиф-мулоҳазалар билдириш учун имконият етарли. Вақтни ғанимат билиб, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилиб, синов дастурини таянч дастур сифатида яратилишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.*

*Ўйлайманки, бизнинг келажагимиз бўлган болалар тарбияси ўз касбини севувчи, фидойи инсонлар қўлида эканлиги шубҳасиздир.*

**Гулчеҳра МУСУЛМОНҚУЛОВА,**
**РТМ бўлими мудири**



*Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 60-мактабда кўп йиллардан бери ўқувчиларга таълим ва тарбия бериб келаётган Гулбаршан Яқубова меҳрибон ва моҳир мураббий сифатида ном қозонган. Ўтган йиллар давомида у кўплаб шогирдлар етиштирди. Уларнинг аксарияти туман, республика кўрикларининг совриндори бўлишган. Гулбаршан опа ҳозирда бутун диққат-эътиборини ёшларнинг маънавиятини оширишга қаратган. Мактабда "Маънавият ва маърифат" хонасини ташкил этган. Хона Ватанимизнинг бугуни ва ўтмишига оид ҳужжатлар, китоб ва кўргазмали воситалар дид билан безатилган.*

*Суратда: Гулбаршан Яқубова ўқувчиларга Хўжайли тарихидан ҳикоя қилмоқда.*

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## "МАҲАЛЛА" КЎРИК-ТАНЛОВИ — БОЛАЖОНЛАР УЧУН

"Соғлом авлод йили"га бағишлаб болалар иштирокида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида ўтказилган "Маҳалла" кўрик-танлови катта байрамга айланиб кетди. Беллашувда Мирзо Турсунзода маҳалласининг "XXI аср болалари" ва Ғафур Ғулом номли маҳалланинг "Баркамол авлод" жамоалари турли саҳна кўринишлари, шеърхонлик баҳслари орқали ўз иқтидорларини намойиш этишди. Беллашув "XXI аср болалари" жамоаси ғалабаси билан тугади.

— Ёш авлод тафаккурини миллий истиқлол руҳида шакллантиришда бу каби танловларнинг аҳамияти катта, — деди тадбир ҳомийси, "Ўзбекистон" мактабининг директори Толиб Пирматов.

Танлов сўнгида Дилрабо Зебарова, Лобар Каримова, Фарида Жабборова каби фаол иштирокчиларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**"Туркистон-пресс"**

## СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

*Китоб туманидаги Юсуф Хос Хожиб номли ўрта мактабда меҳнаткашларнинг 1200 нафардан ортиқ ўғил-қизи таълим-тарбия олади. Илм даргоҳида ўқувчиларга таълим беришда барча имкониятлар яратилганлиги таълим сифатига эътибор берилаётганлигидан далолатдир. Мактабда ўқувчилар турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.*

*Ўтган йилнинг декабрида Тошкент шаҳридаги "Таълим маркази"да ўтказилган республика "Йил мактаби" кўрик танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган мазкур мактаб жамоаси Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирлангани. Яқинда мактабга ажратилган 20 минг сўмлик бадиий китобларни топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

*Мактаб кутубхонаси фонди учун ажратилган китобларни Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг масъул ходими Йўлдош Аҳмедов топширди.*

*Таълим ва фан ходимлари туман қўмитаси раиси Орзимурод Маҳманисаев жамоа ўқитувчиларининг 10 нафарига Имом-ал Бухорий мажмуига бепул йўлланма ва ўқитувчилардан бирига сиҳатгоҳга йўлланма топширди.*

*Республика "Йил мактаби" танловида ғолиб бўлган Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 10-, Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги 22-мактаб ўқувчиларига ҳам худди шундай совғалар топширилади.*

**Шавкат СУЛТОНОВ**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир ўринбосари
Абдусамат РАҲИМОВ
Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳалим САИДОВ (бош муҳаррир), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Фахриддин КАРИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-107. Тиражи 49.310.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 19.30.